# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

16 сон
17 — 23 апрел, 2008 йил


*Ўзбекистон Халқ артисти Рихсихоним Иброҳимова 70 ёшда!*



# "СИЗ ОНАМГА ЎХШАЙСИЗ!"

*Оиламиз меҳмони*

**– Рихси опа, умр йиллари кўз очиб юмгунча ўтиб кетади, дейишади. Лекин унинг залвори ўзингнинг эмас, элнинг сарҳисобларида билинади. Шундай эмасми?**

– Ҳа, театр саҳнасига талабалигимда кириб келган эдим. Юзлаб ролларни ижро этдим. Умрим шу ерда ўтди. Аммо гап бунда эмас. Юртимизнинг қай бир гўшасига бормай: "Сиз менинг онамга ўхшайсиз", дейишади. Мана шу бир оғиз гап ҳаётимнинг мазмунини ифодалайди. Яратган образларим орқали ўхшатиш замирида ўзбек аёлининг, оналарининг эзгулиги, меҳр-муҳаббати, ҳокисорлик, сабр-бардоши, одамийлик ва поклиги ётади.

**- Кўпчилик сизнинг инсонийлик ёрдамларингиздан баҳраманд бўлишгани ҳақида ҳам эшитганман.**

–Тўғриси сиз назарда тутаётган ишларни ҳамма ҳам қилиши мумкин. Фақат хоҳиш, эътибор керак. Баъзан, турмушидан қийналган ёки ҳуқуқи топталган, соғлигидан ажралган аёлларни етаклаб юрганимни кўриб: "Сизга нима зарил?" дейдиганлар ҳам чиқиб қолади. Бир куни театрдан чиқиб кетаётсам юпун кийинган бир аёл эшикнинг олдида турган экан. Мени кўрдию йиғлаб юборди. Гаплашиб билсам, соғлиги ёмонлигини, даволанишга имкон тополмаганини айтди. Уни шифохонага жойлаштирдим, ортидан хабар олиб турдим. Орадан анча йиллар ўтиб кетди. Пахтакорлар билан учрашишга вилоятлар бўйлаб гастролга чиққан эдик. Самарқанднинг чекка қишлоғида бир аёл мен томон қўл силтаб, интилди. Аммо бизнинг машина юриб кетди. Кейин ортимиздан саҳна ишчилари етиб келишганда менинг қўлимга бир тугун тутқазишди. Сўрасам, ҳалиги етиб келолмаган - ўша даволаниб кетган аёл экан. Қаранг-ки, унинг қишлоғига борган эканман. Тугундан беш-олтита мева, тандирда ёпилган иссиққина нон чиқди. Жуда суюниб кетдим. Мана шу каби ҳолатлар умрнинг мазмуни эмасми?

**– Шу ўринда касбдошларингиз, шогирдларингиз ҳақида нима дея оласиз?**

– Санъаткор учун маҳоратнинг ўзи камлик қилади. Мен "юлдуз" деган сўзни ёқтирмайман. Кейинги пайтда ёшларимиз шу сўзга жуда ружу қўйишди. Нутқи йўқ, овозида сеҳр йўқ "санъаткор"ни юлдуз дейишаётганда хаёлимдан: "Агар булар юлдуз бўлса, Шукур Бурхон, Сора опа, Наби Раҳимов, Олим Хўжаев, Зайнаб Садриева, Ҳамза Умаровлар ким бўлган экан?..", деган фикр кечади. Устозлар бизга қандай театрни қолдирганди, биз қандай ҳолатда бугунги ва келажак авлодга етказаяпмиз?... Ана шу савол доим санъаткорнинг қалбида бўлиши керак. Санъат кишиси юрт миқёсида ўйлаши, фикрлаши ва сўзлаши керак. Халқни тўғри йўлга бошлаши зарур. Мана бу санъаткорнинг елкасидаги энг катта масъулияти.

**- Рихси опа, аёл ҳақидаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз.**

- Бир тадбирга чақиришганди. Киришим билан бир аёл: "Рихси Иброҳимова биз билан ўтирсин", - дея қайта-қайта кўрсатув ходимларидан илтимос қилди. Бориб ёнига ўтирдим ва суҳбатлашиб унинг бошидан ўтган воқеаларни билдим. Аёл жуда катта тадбиркор, фермер, корхоналар эгаси экан. Юзлаб инсонларни иш билан таъминлаган, оилаларга ризқ олиб кирган. Аммо бунга эришиш учун не-не машаққатларни, адолатсизликларни енгиб ўтишга тўғри келган. "Сочларим тўкилиб кетди, опажон. Лекин барибир ҳақиқат, қонун енгиб чиқди, қийинчиликлар ортда қолди. Ҳозир яна бир катта мақсадни олдимга қўйганман, албатта бунга ҳам эришаман",-деди қатъият билан. Бир куни ўша аёлни Президентимизнинг қўлидан мукофот олаётганини телевизордан кўриб қолдим. Демак, айтган мақсадига ҳам эришибди, деб қўйдим. Биз - "Санъаткорлар орасида кўпинча замон қаҳрамонларини яратиш керак", деган гап юради. Ўша каби аёлларни замон қаҳрамони дегим келади.

**- Умрингизнинг шу муборак кунларида қалбингиздан қандай ҳислар кечмоқда?**

- Нокамтарлик бўлмаса кечагина олган совғам ҳақида гапиргим келди. Бир йигит келиб, бир даста гул билан тақинчоқ совға қилди. Ҳар қанча қаршилик қилсам ҳам: "Бир мухлисингиз юборди, у сизнинг ҳар бир ролингизни мароқ билан кўради, неча бор суҳбатингиздан баҳраманд бўлган. Бу йил етмиш ёшга тўлишингизга эсдалик сифатида совға қилишни ният қилган экан. Олмасангиз хафа бўлади. Ўзи келса олмаслигингизни билгани учун мен орқали жўнатди", деб туриб олди. Ахири раҳматларимни айтиб қолдим. Тақинчоқ тилла эканлигини билдим, аммо унинг кўзлари олмослигини сезмаган эканман. Жуда қимматбаҳо экан. Тўғриси, мухлисимнинг ҳатто туғилган кунимгача билиши, санъатга бўлган эътибори юксаклигидан бошим кўкка етди. Ич-ичимдан умрига, ризқига барака тиладим. Шу маънода ўтган умримга ачинмайман.

***– Рихси опа, суҳбатимиз давомида театрда ва кинода яратган кўпдан-кўп ролларингиз ҳақида гапирмадим. Чунки уларни таъкидлашга ҳожат йўқ. Сизнинг ижроингиздаги ҳар бир образ юракларда муҳрланган. Муболаға эмас, ҳамон ёшсиз. Яқиндагина Маданият ва Спорт ишлари Вазирлигининг йил якунига кўра сизни "Саҳнамиз фариштаси", деган номинация билан тақдирлаганини ҳам эшитдик. Буларнинг барчаси сизнинг камтарона меҳнатингиз маҳсули.***

***Барча мухлисларингиз номидан улуғ ёшингиз билан муборакбод этамиз.***

**Матлуба ШУКУРОВА**
**суҳбатлашди.**

# СЎЗИ ОҲАНРАБОДАЙ



**Суратда: Мавлуда Хўжақулова онаси ва невараси билан.**

Мавлуда опа тонгда туриб ёпган иссиққина нонларидан, янги соққан сутдан идишга солиб олди-да, Назмихоннинг дарвозасини тақиллатди. "Янги кўз ёриган аёл бедор бўлади. Иссиққина нон билан сутни ичиб олса, танасига мадор киради..." Дарвозани Назмихон очди. У Мавлуда опанинг қўлидагиларни оларкан, кўзлари намланди. "Хафа бўлма, қизим, ҳадемай эринг ҳам инсофга келиб,қайтиб қолар, кўрмагандай бўлиб кетасизлар. Нима керак бўлса, болаларингдан айтиб юборгин, етказамиз, қайғурма!"- унга таскин берди... Изига қайтаркан, ҳомиладор хотини ва вояга етмаган икки болани тақдир измига ташлаб, ўз маишатини ўйлаб кетган эркакни лаънатлади. Неча-неча оилаларни бузилиб кетишдан асраган маслаҳатчи шу эркакка келганда, уринишлари бекор кетганига эзилди.

Тонгда кўчадан кириб келган хотинини кўрган Муродилла ака ажабланмади ҳам. Чунки у хотинининг эрталабдан бировларнинг ташвишини қилиб юришини биларди. Кези келганда ўзи ҳам хотинига ёрдамлашарди. Ярим кечаси эри билан жанжаллашиб, опадан кўмак сўраб келганларнинг уйига уни олиб борар, ҳатто биргаликда эр-хотинни инсофга келтирган пайтлари ҳам кўп бўлган... Гоҳо бор маошига кийим-кечак олиб келиб: "Кам таъминланган, бечораҳол оилаларга тарқатгин",-деганида, хотини ҳам кўрпа қатида йиғиб қўйган пулларини қўшиб, бу вазифани биргаликда бажаришган, одамларнинг дуосини олишган.

Мавлуда Хўжақулованинг Навоий вилояти, Кармана тумани Уйрот қишлоқ фуқаролар йиғинига маслаҳатчи бўлганига икки йилдан ошган бўлса-да, маҳалладошлари уни азалдан яқин ғамхўрлари деб билишади. Чунки мактабда ўқитувчи бўлиб ишларкан, кўп йиллар хотин-қизлар кенгашининг сардори ҳам бўлди. Аёлларнинг "кам"у "йўқ"лари, оилавий муаммолари унга яхши таниш. Шунинг учун Янгиобод, Чуйит, Ургенч қишлоқларидаги 806 оиланинг ҳар бири унга таниш. Айниқса тиббиёт маркази шифокори Муҳаббат Жумаева билан биргаликда жойларда очиқ мулоқотлар уюштирди. Ҳудудда яшайдиган турли миллат вакилларининг кўнглига йўл топиш учун уларнинг урф-одатларини, қонун-қоидаларини, ҳатто пиширадиган миллий таомларигача ўрганиб чиқди. Ҳаракатлари бесамар кетмади.

## *Маслаҳатчи—халқ таянчи*

Кимнинг тўю маъракаси бўлса, маҳалла фуқаролар йиғинига чиқадиган бўлди. Ҳа-да, ахир маслаҳатли тўй тарқамас деб, бежиз айтишмаган. Бу дегани - қонуний никоҳдан ўтмасдан ими-жимида тўй қилишлар барҳам еди дегани. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Сувонов ва хотин-қизлар кенгаши раиси Гавҳар Казаковалар билан биргаликда уларнинг тўю тантаналарида имкон қадар моддий ёрдам беришни ҳам унутишмайди. Кам таъминланган оилаларга эса ҳукуматимиз бераётган имтиёзлардан фойдаланиб, томорқа ёки чорва қилишларига, ўз ишларини очишларига кўмаклашишаяпти.

- Ўзим оддий колхозчи оиласида вояга етганман,-дейди Мавлуда опа. - Аллоҳга шукр, фарзандларим (уч қиз, бир ўғил) ҳам меҳнаткаш ва илмга ихлосли чиқишди. Ўғлим Умрзоқжон-ҳуқуқшунослик бўйича фан номзоди бўлиш арафасида, Гуллолахон ҳам ҳуқуқшунос, Зилолахон-ҳисобчи, Ҳилолахон-тикувчиликни эгаллаган. Улар ҳам маҳалла аҳлининг юкига елкадош.

**С. ФАХРИДДИНОВА**

Аёллар ҳақида ҳикоялар

# КЎНГИЛДАН ЁРУҒЛИК ТОПИБ...

Бир куни шоира Зуҳра Алиева билан бирга Ўктамхон исмли аёл мени излаб келди. Ҳаяжони кучли, ҳар нарсага қизиқувчан, дилкаш аёл экан.

- Шу десангиз, ёшим бир жойга борганда мен ҳам қўлга қалам олдим-да, фарзанд доғида куйиб... Ёзганларимни бир кўриб чиқинг, деб олиб келувдим...

У бирдан оғир хўрсинди, кўзлари қизариб, жиққа ёшга тўлди. Гапиролмай томоғига нимадир тиқилиб қолди. Мен ажабланиб Зуҳрага қарадим...

- Кенжа ўғиллари автоҳалокатдан вафот этган. Икки йилча бўлди. Ўша ўғиллари ҳақида ёзганлар, Ўктам опа! - деди Зуҳра.



Мен Ўктамхонга ҳамдардлик билдирдим. Уни овутишга уриндим.

- Жоним билан ўқиб чиқаман Ўктамхон, ёзганларингизни. Қўлимдан келса таҳрир ҳам қиламан. Кейин китоб қилиб чиқарамиз. Қарабсиз-ки, ўқитувчи-ёзувчи деган унвон оласиз-да!

- Китобга, илмга қизиқишим дадам раҳматли Бўтабой Топволдиевдан ўтган,-дейди Ўктамхон. - Бошланғич синфларда ўқиб юрганимдаёқ дадам шаҳарга иш билан тушсалар, албатта менга эртак китоблари олиб келардилар. Шу китоблар мени адабиётга қизиқтирди. Ҳаётга онгли назар ташлашни ўргатди. Кейин ўзим ҳам яхши китобларни излаб-топиб ўқийдиган бўлдим. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмаднинг китобларини ўқиганман.

1971 йили Ўктамхон Топволдиева Тошлоқ туманидан Қуванинг Акбаробод қишлоғига келин бўлиб тушди. Қайнонаси Ўринбувиш холанинг доно ўгитлари меҳнатда, рўзғор тутишда ўрнак бўлганлари, талабчанликлари Ўктамхонни чиниқтирди, катта сабоқ бўлди. Турмуш ўртоғи Комилжон Собиров ҳам меҳнатсевар, бағри кенг, тадбиркор йигитлардан эди. Тўрт фарзандни вояга етказишди.

Томорқадаги, рўзғордаги юмушларни тиндирган, бирон кун мактабда дарс беришдан қолмаган Ўктамхон Топволдиева оилада ҳам, мактабда ҳам ҳурмат-эътибор топди. 28 йил Қувадаги 3-мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Яхши қиз маҳалладан ортмайди, деганларидек, буларнинг битта-ю-битта қизлари Маҳлиёхон ён қўшнига келин бўлди.

Комилжон билан Ўктамхон ўғиллари Музаффарни, кейин Мирзоҳидни уйлантиришди. 2005 йил 26 ноябрда эса кенжатой Солижонга синфдоши Дилдорани олиб беришди...

Бу оила тинч, хотиржам яшар эди. Йигитлар тадбиркор. Келинлар-Дилфузахон муҳандис, Хавасхон чевар, Дилдорахон ўқитувчи... Лекин буларга кўз тегди. Ҳавога булут чиқди. Солижоннинг уйланганига уч ой ҳам тўлгани йўқ эди. 2006 йилнинг 16 февраль куни 23 ёшли Солижон автоҳалокатдан нобуд бўлди.

Онаизорнинг изтиробларини сўз билан ифодалаш қийин. У оҳ-воҳ қилиб ўтириш ўрнига қўлига қалам олди. Ўғли ҳақида ёзди. Унинг меҳнатсеварлигини, дўстларига, барча яқинларига оқибатли, ташкилотчи бўлганини мисоллар билан ёзди...

Одамнинг тафтини одам олади, деганларидек, Ўктамхон ҳикоясини тугатиб, анча енгил тортди, маъюс жилмайди.

- Яқинда набираларимиз сафига яна бир ширинтой қўшилди,- деди у. - Уйимиз тўлиб қолди. Паҳлавон ўғил! Исмини Муҳаммадсоли қўйдик. Шукр, у кўзимизни қувонтириб, бизга таскин, овунчоқ бўляпти.

Ўктамхон минг истиҳола билан дафтарларини менга ташлаб кетди. Ўқидим, қизиқиб, ачиниб, кеч оқшомдан тун ярмигача қўлимдан қўймай ўқидим. Гарчи ёзганлари бадиий жиҳатдан мукаммал бўлмаса-да, ёзиш машаққатини енгиб, сабр-қаноат билан бошидан ўтганларини қоғозга тушириб ёзган. Жузъий камчиликларини эса тузатиш мумкин. Энг муҳими воқеалар ўқувчини ўзига эргаштириб кета олади. Ҳа, жафокаш бир онанинг булоқ сувидек мусаффо меҳр-муҳаббати, юрагида ўти бор ўғлининг маҳалланинг фахри, оиланинг ифтихори бўлганлиги рўйи-рост ифода этилиб, бир ёрқин ёднома яратилибди. Автоҳалокатга сабабчи бўлган шахсларнинг жирканч қиёфаси очиб берилибди.

Мақтовларимдан кўнгли кўтарилиб, қалами бироз чархланган Ўктамхон ёзишда давом этди. Ўта уқувли, матонатли қайнонаси Ўринбувиш холанинг оиладаги тадбиркорлиги, фарзандлар, набиралар тарбияси йўлидаги маҳорати, меҳри, қатағон йиллари тобланган иродаси ҳақида ёзди...

Ҳар иккала ҳужжатли қиссадан иборат китоб айрим тузатишлар билан нашриётга топширилди...

Ҳаёт давом этаяпти. Акбароболдаги барча оилалар қатори Комилжон ва Ўктамхонлар оиласида ҳам алла айтиляпти. Набираларнинг чуғур-чуғури кун бўйи эшитилиб турибди. Барно келинлар хизматда, ота-она иззатда...

Кўнглидан ёруғлик топиб яшаётган, руҳан дадиллик билан меҳнат қилаётган қаҳрамонимизга шундай демоқчиман:- «Ёзганларингиз китоб бўлиб чиқишига ва қалбингизга ёруғлик таскин беришига ишонаман, Ўктамхон»!

**Санъат МАҲМУДОВА,**
**Фарғона вилояти.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ЙЎЛИДА



Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

Яқинда Қаршида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда БМТнинг Аҳолишунослик фонди ҳамкорлигида ташкил этилган "Эзгулик" аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Марказнинг асосий мақсади - ижтимоий аҳволи оғир бўлган аёллар ва уларнинг оилаларига, ҳамда фарзандларига ижтимоий-ҳуқуқий хизмат кўрсатиш, оила институтларини қўллаб-



қувватлаш, ҳар томонлама етук ва салоҳиятли авлодни тарбиялаш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини кучайтиришдан иборат.

Марказ шунингдек аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, маданий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш оилавий - кичик ишлаб чиқариш корхоналари ва уй меҳнатини ташкил этишни ҳам кўзлайди.

Тадбир иштирокчилари вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят Маҳалла жамғармаси ҳамда Қарши Давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари



бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг малакасини ошириш бир ойлик курси тингловчиларига сертификатлар топшириш маросимида қатнашдилар.

Қарши Давлат университетида волейбол, енгил атлетика, стритбол, шахмат-шашка турлари бўйича аёллар спартакиадасининг биринчи босқичи ўтказилди. Тадбир иштирокчилари спорт мусобақаларини томоша қилдилар.

Қарши туманидаги Потрон маҳалла фуқаролар йиғини ва Косон туманида бўлиб ўтган тадбирлар "Аёлларнинг оилада ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мақомини ошириш - давр талаби" мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Ғузор туман марказий ўйингоҳида "Шу азиз Ватан барчамизники!" деб номланган Дўстлик форуми ўтказилди. Республика Хотин-қизлар қўмитасининг "Ўзбекистонда яшовчи турли миллат аёллари ва ёшлари жиноятчиликка, терроризм ҳамда гиёҳвандликка қарши" шиори остида ташкил этган Дўстлик форумида ёшлар фаол иштирок этдилар. Шу куни кам таъминланган оила фарзандларига туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси томонидан омонат дафтарчалари топширилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Шавкат СУЛТОН**

**Муаллиф олган суратлар.**

# «СПИД»ГА ҚАРШИ

Ахборот

Мамлакатимизда инсон саломатлиги, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига жиддий таҳдид солувчи ОИВ\ОИТС (СПИД)нинг тарқалишига қарши қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Бугунги кунда юртимизда "Ўзбекистон Республикасида 2007-2011 йилларда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашнинг стратегик дастури" асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, қатор ташкилотлар ОИВ\ОИТСни профилактика қилишни такомиллаштиришда кўмаклашяпти. Бугунги кунда ОИТС нинг олдини олишга ҳаракат қилиш нафақат тиббиёт ходимлари балки ҳамманинг вазифасидир. Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази Марказий Осиёда ОИТСнинг олдини олиш бўйича минтақавий лойиҳаси билан ҳамкорликда телевизион роликлар яратишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Мана шу мақсадда яқинда пойтахтимизнинг "Радиссон" меҳмонхонасида ОАВ ходимлари учун бир кунлик семинар-тренинг ўтказилди. Иштирокчилар ўртасида бўлиб ўтадиган "Энг яхши сценарий" танлови ғолиблари 1 ой ичида эълон қилиниб, муносиб тақдирланади.

**Ўз мухбиримиз**

*Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»*

Фикр

# КИТОБ ЎҚИБ ЎССИН БОЛАНГИЗ

Мен ишда ўтирсам ҳам, ё уйда қўлим бўшади дегунча ҳам дарҳол газета ё китоб варақлайман. Китоб ўқиганим сари кўнглим равшанлашиб, руҳим ҳам енгиллашаверади. Шунгами бозор ё дўконларга йўлим тушса, фарзандларимга ҳам китоблар харид қиламан. Ва албатта, қўлларига тутар эканман, китобни нечоғли азиз эканлигини қайта-қайта уқтираман.

Ана шундай кунларнинг бирида ҳар галгидек китоб варақлар эканман, танишим:

- Вой-бў, яна китобхонликми, эринмас экансизда, - деди кулимсираб.

- Сизга ҳам берайми, ўқийсизми,-десам:

- Қўйинг-а, ўқисам, бошим оғрийди, - дейди.

- Қўйсангиз-чи, - дедим ҳайратланиб. - Китоб ўқиб одам маданий хордиқ чиқаради. Фарзандларингизга ҳам совға сифатида китоб тақдим этинг, - дедим.

- Қўйинг-ей, шу китобни ўқиб, нима қилади, олим бўлармиди? Ундан кўра пул топишни ўргансин. Пул бўлса ҳамма нарсанинг йўли бор. Қорин тўқ, уст-боши бут, ҳамма сизга ҳурмат билан қарайди.

Йўқ, мен ҳамсуҳбатимнинг фикрига барибир қўшилолмадим. Китоб ўқишнинг нимаси ёмон? Ахир у маънавий озуқа, теран фикр беради-ку! Китоб ўқиган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

Ҳозирги пайтда ота-оналар ишда бўлиб, бирма-бир компьютер ўйингоҳларида саёқ юрган ёшларимиз қанча? Ахир уларга бориш учун ҳам пул тўланади-ку. Шунга кетган маблағни китоблар учун ишлатилса, бу айни муддао бўларди. Тўғри, ҳозир болалар учун махсус қўлланмалар камайиб кетган. Аммо изланса, топса бўлади. Бунинг учун азиз ота-оналаримизда озгина қунт ва ҳафсала бўлса кифоя.

Мактабдаги таълим билан чегараланиш бу ўзимизни, ўзлигимизни ўрганиш учун камлик қилади. Шундай экан, ўғлингиз ё қизингиз китоб ўқишга ҳафсала қилса, унинг шаштини қайтарманг. Зеро, китоб инсонни ойдинликка, ростликка, энг кераклиси ҳақиқий инсонийликка даъват этади. Зеро, сиз учун ҳам, азиз фарзандингиз учун ҳам қалби ҳалол дўст — бу китоб.

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**Тошкент вилояти, Бўка тумани.**

# ҚАЙНОНА МЕҲРУ МУҲАББАТИ

Андижон вилояти, Избоскан туманининг Ровот маҳалласида истиқомат қилувчи Ёқутхон ҳожи она Бўстонқулова турмуш ўртоғи билан икки ўғил, икки қизни катта қилишди. Уларни тўғри тарбиялашди, ўқитишди. Қизларини турмушга бериб, ўғилларини уйлантирдилар.

Қўш келинли Ёқутхон опа: "Болаларим катта бўлди, келинлар келди, энди фақат дам олиб юрсам бўлади, - деб ўйламайди. Барча ишларни оила аъзолари билан биргаликда бажаради.

"Бўстонқул ота" боғдорчилик фермер хўжалиги бор. Унга хонадон бошлиғи ҳожи ота бош-қош. Оила аъзолари ҳам тенг куймаланишади.

- Таним соғ экан, мен бекор туролмайман. Келинларим ишларни менга ташлаб қўйишмайди. Хиёл қўллари бўшадими, ёрдамга шошилишади,- дейди онахон ҳовлидаги юмушларни бажараётганидан тортиниб.

Қани энди ҳамма қайноналар ҳам шундай - қайнона эмас, она каби бўлса. Келинларига юраги ачишиб, ўз жигарбандига қарагандай қарасалар.

Бир куни ишдан қайтаётиб, автобусда ёшгина жувоннинг ғамгин келаётганини кўриб, ҳол-аҳол сўрадим.

- Уйга кетаяпман, бироз кеч қолдим. Эшикдан киришим билан жанжал бошланади. Ёш қайнонам бор. Улар уй бекаси. Иккита қайнсингилларим ўқийдилар. Улар уйга анча вақтли келишади. Лекин ҳеч қандай иш қилишмайди. Супур-сидирни-ку, айтмай. Телевизор кўриб, чой ичиб ўтиравеpишади. Мен бориб, уларнинг кечгача йиғиб қўйган идиш-товоқларини ювиб, кейин овқат пишираман. Қайнонам кечикишим сабабини сўрамасдан жанжал кўтаради, - деб жавоб берди.

Мен ичимда оиласи ҳақида бир нотаниш аёлга бор гапни тўкиб солган ёшгина жувондан ҳам, унинг қайнонасидан ҳам ранжидим. Бундай воқеалар оила аъзоларининг бурчларини тўғри тушунмасликлари, келинга нисбатан нотўғри муносабат туфайли юз бераётгани кўриниб турибди. Демак, оилада ҳамма ўз ўрнида ҳурмат қилиниши, ишлар барчасига тўғри тақсимланиши зарур. Уйда тинчлик, тотувлик, яхшилик ҳукм сурса, ҳаёт файзли, нурли кечади.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА, журналист.**

Эр-хотинлар тоифаси

# ҚИЗЛАРИНГИЗГА ҲАМ ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Кўпдан бери бир нарсага ҳайрон қолиб келаман. Ҳозирги компьютер замонасида ҳам баъзи оилаларда эр деган зотлар ҳамон хожа мавқеидан тушмайдилар. Уйга кириб келишлари билан: "Мен ишлаб келдим", дейдилар-у, лўлаболишга ёнбош қўйиб, телевизорга қадалганча ётиб оладилар. Ҳеч қаёққа қараш йўқ. Ҳеч нарса билан ишлари йўқ. Нима, фақат улargина оила боқаман, деб ишлайдилар-у, бошқалар ишламайдими? Лоақал, "Хотиним ош-овқат, кир-чир, супириш-сидириш билан банд экан, ўзим чойимни дамлаб келиб, ичиб томошамни кўрсам бўлмайдими? Ёки хонтахта усти йиғиштирилмаган экан, шуни артиб-тозалаб қўйсам, қўлим кира тилайдими ё калта тортиб қоладими?" - демайдилар. Буни ҳатто хаёлларига келтирмайдилар. Йўқ. Ҳамма нарсани уларга қизлари ёки хотинлари қилиб, тайёрлаб беришлари керак. Гўёки Аллоҳ таоло уларни яратаётганда, сен умрбод шунақа бўласан, деб қўйгандай! Фарзандлари улғайиб, оилали бўлгач, "қуш уясида кўрганини қилади", деганларидек, қизлари бировга турмушга чиққанларида улар ҳам: "Мен эримга фақат хизматкор бўлишим керак", ўғиллари уйли-жойли бўлганларида: "Мен отамга ўхшаган фақат хожа бўлишим лозим", деб шу алпозда яшайдиларми? Улар буни бирон марта ўйлаб, ақл тарозисига солиб кўрмайдилар. Чунки уларнинг суяги "эркак шундай, аёл ундай, бўлиши керак", деган тушунчада қотиб бўлган...



Мен биладиган Тошпўлат билан Мўмина худди шундай эр-хотинлар тоифасидан. Эр қурилишда прораб, хотин ҳамшира бўлиб давлат муассасида ишлайди. Ҳар иккови ҳар куни 8-10 соат ишлаб келади. Аммо уйга келгач, Тошпўлат телевизор кўради, бундан зерикса, видео томоша қилади. Мўмина бўлса, ҳар кунгидай ош-овқатга уннаб кетади. Бу унинг бурчи! Икки ўғил, икки қизлари мактабдан келган заҳоти қизлар уй юмушларига ёки ота-она буюрган ишларига шўнғиб кетишса, ўғиллар магнитафон эшитишади. Китоб ўқишади. Компьютер ўрганишади. Отасидан тегса, булар ҳам телевизор кўришади. Гоҳ-гоҳида қизларнинг китоб ўқиб, дарс тайёрлаб, булар ҳам телевизор кўришларини, ўғил болаларнинг эса уй ишларига унча-мунча қарашиб юборишларини ҳисобга олмаганда бу оила аъзоларининг ҳаёт тарзи, қисқа қилиб айтганда шу зайлда кечади. Шу сабабдан ота йўриғидаги ўғил фарзандлар бир қадар савиялироқ бўлсалар, она йўриғидаги қиз фарзандлар икки қадар пастроқ савияга эгалар. Бирон-бир масала ҳақида тортишиб, баҳслашиб қолганларида фарзандлар ўртасидаги фарқланиш шундоққина сезилиб қолади. Худди булар шундай бўлишлари керакдай! Яъни ўғил болалар ақллироқ, савиялироқ, қиз болалар бундайроқ бўлади, деб битта-яримтаси кесиб қўйгандай! Ҳолбуки, бундоқ фикр қилиб кўрилса, Аллоҳ таоло эркак зотини ҳам, аёл наслини ҳам бирдай тенг қилиб яратиб қўйган. Ўғил болалар ҳам, қиз болалар ҳам шуғулланганларида (айрим туғма қобилиятли ёки қобилиятсиз зурриётларни инобатга олмаганда) ҳамма болалар фақат салгина фарқланиш билан асосан бир хил қобилиятга, бир хил лаёқатга эга бўлиб, дунёга келадилар.

Тошпўлат билан Мўмина эса ота-она бўлиб фарзандларига таълим-тарбия беришда ўзлари билиб-билмай уларнинг анча-мунча фарқланиб қолишларига шароит яратиб қўйганлар. Яъни, ота-онанинг ўзи ўғил болаларга бошқачароқ, қиз болаларга ўзгачароқ муносабатда бўлганлар. Бу деганимиз, Тошпўлат билан Мўмина ўғилларига келажакда оила бошлиғи бўлади, деган ўйда уни-буни уқдириш, ўргатиш, ўқитишни анча жиддий йўлга қўйган бўлсалар, қизларига келгусида оила юмушкори бўлса, деган андишада бир томонлама қарашда бўладилар. Шу боис болаликдан бошлаб қизлари супуриш-сидириш, ювиш-тозалаш, ош-овқат ишларига алоҳида мажбурият билан жалб қилинсалар, ўғиллари, юқорида айтиб ўтганимиздек, пича ақл-заковат талаб қиладиган ёки бирмунча мураккаброқ вазифаларга жалб қилинадилар. Чунки Тошпўлатнинг ўзи ёшлигида шунақа эр, сўнгра шунақа ота бўлиб шаклланган. Энди у ўғилларига ҳам худди шунақа бўлишни, қизларига эса азалдан ўрнак бўлиб келаётган онасидай бўлишни ўргатиб келади. Она ҳам шу тушунчада. У ҳам шунга рози. Шундай экан, шубҳасиз, қизлар бундайроқ савияда, ўғиллар юқорироқ савияда бўладилар-да...

Кунларнинг бирида Тошпўлат хотинини қаттиқ койиб ташлади. Нимаймиш, Мўмина ҳеч нарсани билмас эмиш! Оддий воқеа-ҳодисаларга, оддий ижтимоий-сиёсий ишларга ҳам ақли етмас эмиш. У бир пайт хотинига:

- Сени ўқиган, деб ким айтади, Мўмина?! Телевизорга қараб туриб кўп нарсани тушунмайсан. Эшитиб туриб, ҳамма гапнинг ҳам фарқига бормайсан. Мунча ҳеч вақода уқувсиз бўлмасанг! Одам ҳам шунчалик содда бўладими? - дея жиғибийрон бўлди.

- Парламент билан Олий Мажлис битта давлат органи эканини наҳотки шу вақтгача билиб олмаган бўлсанг! Ҳайф-ей, сендақа ҳамширага! - деди у яна бир куни хотинига.

У ўз заковатига кўра қизлари ҳам маънавиятда ўғилларидан орқада қолиб кетаётганини, уларга ҳам уни-буни ўргатиб, ўқитиб, тушунтириб таълим бериш кераклигини эса хаёлига келтирмасди. Агар биров унга: "Сен ҳозир хотинингни ҳеч нарсага ақлинг етмайди", деб уни койиётган экансан, эрта-индин қизларинг ҳам худди шу онасига ўхшаб қолишади. Келажакда эса эрлари уларга ҳам сен каби танбеҳ бериши мумкин, деса, бунга ишонармидийўқми, билмадим. Ҳар қалай ишонмас эди-ёв. Чунки унинг ақли, фаҳм-фаросати яна қайтарамиз, қотиб бўлган, чекланиб қолган. Агар шундай бўлмаганда эди, у "мен ишлаб келдим", дея ёнбошлаб ётиб олмаган бўларди. Қизларига ҳам ўғиллари қаторида маданиятдан, маънавиятдан, ижтимоий-сиёсий таълимдан озроқ бўлса ҳам майли-да, билганича сабоқ берган бўларди. Компьютерга уларни ҳам ўтқазиб қўйган бўларди. Ахир ҳаммага маълум-ку, фақат қизли ёки қизларини ўғилларидан ажратиб қўймайдиган оилаларда қиз фарзандларнинг аҳволлари бошқача. Яъни, қизларининг ҳам қобилият ва савиялари анча баланд бўлади. Бунга сабаб, уларга эътибор, таълим, илм бериш ўғил болаларникидан кам бўлмайди. Ота-оналар қизларига ҳам дори тайёрлашларида, компьютер ўрганишларида кўмаклашиб турадилар, китоб ўқитадилар, шеър ёдлатиб, ҳикоялар айтиб берадилар. Ахборот воситаларидан улар ҳам сиқувсиз, чекловсиз бемалол фойдаланадилар. Уй юмушларига эса кўпам ўралашиб қолмайдилар. Оқибат натижада улар келгусида оилаларини мазмунли, маданиятли, тергаб-турадиган бўладилар. Савияли, салоҳиятли ота-оналардан ўз ота-оналарига муносиб ақл-фаросатли ўғил-қизлар етишиб чиқади, ахир.

*Зурриётларинг гар қиздир, ўғилдир,*
*Камситма биридан бирини зинҳор.*
*Булар насл-насабинг бўлади бир кун,*
*Зотингни шарафла, қилма уни хор.*

**Азимжон ҚОСИМОВ**

# БИР АЁЛНИ ДЕБ...

- Болам, жуда хафаман. Тошкентингдан ҳам кўнглим қолиб турибди...- дея гап бошлади бошига қат-қат рўмол ўраб олган, кўзларида ёш билан хонамга кирган аёл.

**- Нимадан бунча хафасиз, холажон?..**

- Ахир ўзингиз ўйланг, момо бўлиб, неварамнинг тўйида оқ фотиҳа бера олмасам... Тўрт девор ичида қамалиб ўтирсам. Шу ниятда ўғил ўстирганмидим? Келин олсам, набираларимни суйиб ўстирсам демаганмидим?

**- Улар сизни набирангизнинг тўйига айтишмадими?**

- Келинг, бошидан гапириб берай... Мен содда қишлоқ аёлиман. Тўрт ўғил, уч қизим бор. Ҳаммаси ўзидан тинган, худога шукр. Учинчи ўғлим Тошкентга ўқишга кирганда ҳаммадан кўпроқ мен суюндим. У ўқишини битириб келса, катта ишда ишлайди, биз чолим билан давраларнинг тўрида керилиб ўтирамиз, деб ўйлардим. Бироқ!...

**- Ўғлингиз қишлоққа қайтдими ишқилиб?**

- Ҳамма гап шунда-да. У ўқишини тугатар кезда уйга келиб қишлоққа қайтмаслигини, шаҳарда қолишини айтди. Қишлоққа келса, кўп режалари амалга ошмай қолармиш. Мен-ку, ичимдан куйиб ёнсам ҳам кўндим, лекин отасининг кўниши қийин кечди.

Кейин охир-оқибат менга: "Кампир, боламиз ҳақ. Кел, унинг ниятларига тўғаноқ бўлмайлик. Бу ердаги уч ўғлимизнинг хизмати ҳам бизга етади", - деди. Шундан сўнг болам шаҳарда қолиб кетди. Мен бўлсам унинг бошини иккита қилиш ташвишига тушдим.

Аммо бу ниятимни эшитган ўғлим: "Эна, менинг ҳали уйланиш ниятим йўқ. Илмий ишим қолиб кетади. Ундан кейин фақат оила боқиш ташвишига тушиб қоламан", - деди. Мен мум тишлаб қолавердим. Орадан икки йиллар ўтиб, ўғлим олим бўлди. Мен бундан жуда қувондим. Энди тўй бошласак ҳам бўлади, деган умидим бор эди. Аммо бу сафар ҳам адашган эканман...

**- Нега?**

- Ўғлим бир гал келганида янгаларига шаҳарда севган қизи борлигини айтиб кетибди. Бу гапни эшитиб отаси билан яна бошимиз қотди. Узоқ ўйлаб, ўғлимизни шаҳарлик қиздан қайтаришга уриндик. Лекин ўғлимиз шу қизни олмаса уйланмай ўтиб кетишини айтиб, бизни қўрқитди.

**- Кейин нима бўлди?**

- Ноилож ўша қизникига совчиликка бордик. Ўғлим мен билан овсинимни катта дарвозаси бор, ҳашаматли уй олдида қолдириб кетди. Ҳовлида мени бир жувон кутиб олди. У шу уйнинг келини экан. Ичкарида бизни ёши ўтиброқ қолган аёл эринибгина туриб, кутиб олди. Қисқагина сўрашганимиздан кейин қулчиликка келганимизни айтдик. Оҳ, унинг гапирган гаплари ҳалигача юрагини тирнайди.

**- Нима деган эди?**

- "Болангиз мана шу дарвозамни тагига келиб ётиб олди, десам ишонаверинг. Бир неча бор қувиб, ҳайдадим. Қизимни қишлоққа бермайман, дедим. Аммо у келишини тўхтатмади. Ахири бир куни жонимга теккач, уйга киритиб гаплашдим. "Агар қизингизни бермасангиз ўлиб қоламан, унга уйланмасам бўлмайди. Ё қизингизни бир нарса қилиб қўяман, ё ўзимни", - деди.

Шундан кейин ўйлаб-ўйлаб, ўғлингизга шарт қўйдик. Зора шундан кейин шаштидан қайтса, деб ўйлагандик. Аммо у ичкуёв бўлишга ҳам рози бўлди. "Ҳеч қачон қизингизни қишлоққа олиб бормайман", деди. Шундан сўнг рози бўлишдан бошқа иложимиз қолмади.

Бу гапларни эшитиб, тилимни тишлаб уйга қайтдим. Бўлган гапни отасига айтдим. Отаси эса у қизни олиб бермасликка қарор қилди.

**- Ўғлингиз кўндими?**

- Отаси билан орасида катта можаро чиқди. Бир гал отаси ўғлимни уриб ҳам юборди. Ўғлимга: "Агар шу қизни оладиган бўлсанг мен сени уйлантирмайман. Қандай қилиб уйлансанг, тўй қилсанг ўзинг биласан", - деди. Ўғлим ҳам ўз билганидан қолмади. Юзимизни ерга қаратди. Отаси ҳам гапидан қайтмади. Хуллас, ўғлим шаҳарда - кафеда тўй қилди. Ҳар қалай болам-да, мен бир-иккита қариндошлар билан тўйга меҳмондай бўлиб бориб келдик. Қишлоқда эса дув-дув гап тарқалди. "Эргаш ичкуёв бўлганмиш, бир қари қиз бошини айлантириб олганмиш..." Бу гаплардан сўнг отаси иккимиз кўчага ҳам чиқолмай қолдик.

**- Кейин борди-келди қилдингларми?**

- Бир куни чидолмасдан боламга атаб тўқитган олача билан бир гиламни олиб йўлга чиқдим. Каталакдеккина хонада яшаркан. Униси ҳам етмагандек, уйида бир кўрпачаси ҳам йўқ. Столда кечгача ўтириб, оёғим осилиб, зирқиради. Келин бўлмишнинг на рўмоли, на лозими бор. Худди эркак сабзидек... Уйидаги тутумини кўриб-ку, ичим музлаб кетди. У ҳам катта жойда ишларкан. Тонгда кетиб, қоронғу тушганда кириб келди. Куни билан деразадан қараб, кўзим тешилди. Эрталабгача аранг чидадим. Тонг отиши билан қишлоққа отландим.




**- Сизни хафа қилишганмиди?**

- Хафа бўлиш бундан ортиқ бўлмайди. Кетар чоғимда келиним ҳалиги мен олиб келган олача билан гиламни қўлимга тутқазиб: "Буларни ман уйимга тўшамайман, ортиқча жойимизни эгаллагандан кўра, қайтариб олиб кетганингиз маъқул", - деса-я? Ахир не азобда ортмоқлаб келган бўлсам. Оларимни ҳам, олмасимни ҳам билмасдан ўғлимга тикилдим. Яна қандай қилиб қайтариб олиб кетаман? Менинг ҳолатимдан ўнғайсизланган ўғлим бўлса: "Қўй, ўзим борганда олиб бориб ташларман. Ҳозир кўтариб кетишга қийналадилар", - деди. Шу-шу унинг уйига қадам босишга кўнглим чопмайди. Ўғлимнинг ўзи йилда икки-уч марта келиб туради. Ҳозир уч қизи бор. Болалари ҳам бизга бегонадек гўё...Тўй-маъракаларда ўғлим хотини билан болаларини олиб келади-ю, бир кунда қайтиб кетишади. Баъзан аламимдан жигарларидан бегоналашиб кетгани учун ўғлимни роса койийман. Қизлари ҳам худди оналаридек қишлоқни ёқтиришмайди. Кечагина учинчи қизининг тўйи бўлди. Шу қизини қишлоғимиздан бирор яхши оилага узатишини сўрадим. Ҳар қалай ўғлим шу баҳона қишлоқдан узилиб кетмайди-да, деб ўйлагандим. Одамнинг эрта бир кун қариши, туғилиб ўсган юртини қўмсаши, жигарлари дийдорига зор бўлиши бор! Келиним ҳам, неварам ҳам бу гапни эшитишган заҳотиёқ ўғлимнинг ёқасига ёпиштиришибди. Мана, ўзларига ёққанига узатишди. Мен бўлса ўғлимнинг уйига тўйга боргандек керилиб эмас, елкамни қисиб келдим. Азбаройи ичим тўлиб кетганидан таҳририятга келдим. Бу кўргуликни бошқа кимга ҳам айта олардим...

**Онахон шу гапларни айтаркан рўмолининг учи билан кўзларини артди. Сўнг, хайрлашиб астагина чиқиб кетди...**

**Унинг сўзларидан қаттиқ таъсирландим. Унинг ўғлини таниганимда шундай деган бўлардим.**

**- Ука, аввало ота-онангизнинг ҳурматини жойига қўйишингиз лозим эди. "Олим бўлиш осон, лекин одам бўлиш қийин", деган гап бекорга айтилмаган экан-да... Афсус, сиз олим бўлибсизу, лекин ота-онангизни қадрлашни ўрганмабсиз-да. Аёлингиз-чи? Ўғли яхши экану, шу болани дунёга келтирган ота-онаси, ўсган гўшаси ёмон эканми? Ҳалиям бўлса ота-онангиздан кечирим сўранг! Ҳеч бўлмаса кеч эмас, бир ойда бир марта хабар олинг! Эҳтимол, улар шунда сиздан рози бўлишар...**

***Сиз бу ҳолатга қандай қарайсиз, азиз газетхон?***

**МАТЛУБА**

Қулоққа чалинган гап

# ОТ АЙЛАНИБ...

Йўналиш таксида кетарканман олдинги ўриндиқда ўтирган икки аёлнинг суҳбати қулоғимга чалинди:

- Зарифа опа, маҳаллангиздаги Равшан яна оиласига қайтиб келганмиш, деб эшитдим. Шу ростми?

- Ҳа, уми? Рост, Муҳаббатхон, рост. Тўртта боласи вояга етиб, қўлидан иш келадиган бўлганида қайтиб келди, жувонмарг. Ўтган йиллар Рихсихонга осон бўлдими? Кўча супуриб, ҳоним пишириб сотиб, рўзғорини аранг тебратди, шўрлик. Устидаги битта кўйлаги иккита бўлмади. Лекин, болалари ҳамма ҳавас қиладиган бўлиб етилишди. Каттаси институтда ўқийди. Телевизор, радио тузатади. Қолганларининг ҳам ҳар бири бир ҳунар соҳиби, деб эшитганман.

- Нима, Равшан у хотини билан ажрашганми ёки... Ўзига инсоф келиб қолганмикан?

- Ажрашади-да, ахир ўзингиз ўйланг. Оиласини ташлаб кетиб нима топди? Қайтага 19 йиллик умри бировларнинг болаларини боқиш билан ўтди. Ўша хотиннинг болаларига Равшан уй, машиналар олиб берган экан. Лекин шунга қарамай уларнинг кўнглида ўгай оталарига нисбатан адоват бор экан-да. Равшан ишдан кетиб, касал бўлиб қолганида уриб-тепиб ҳайдаб юборишибди. Ота-онаси ўлиб кетган бўлса, акаларининг ҳам ўз оиласи бор. Катта акаси шунинг учун Рихсихоннинг олдига Равшанни етаклаб келиб, ялиниб яраштириб кетганмиш...

- Ишқилиб, бағри кенг экан-да Рихсихоннинг, кечирибди... Эҳтимол уйлантириш керак бўлган болалари ўйлагандир?

- Шундай бўлса керак. Ҳар ҳолда тўй-маъракада отанинг тоғдек бўлиб, меҳмонларни дарвоза олдида кутиб олиши, ё фотиҳа беришининг ҳам ўзига яраша файзи бор-да. Бечора Рихсихон не-не аламларни енгди. Тўрт боласи билан ҳам уйланаман, деган эркакларга ҳам рад жавобини берди. Балки энди унинг кўкрагига шамол тегар?..

- Айтгандек, ўша куни Рихсихонни кўчада кўриб қолдим. Қўлида тугуни бор, «Адасини даволаниш учун касалхонага ётқиздик. Бирров овқат ташлаб келай, яқинда келин олмоқчимиз», - деди. Хурсанд, яхшигина кийиниб, ўзига ҳам қарайдиган бўлиб қолибди. Нима бўлганда ҳам кўз очиб кўрганида, айланай. Барибир от айланиб ўз қозиғини топади-да...

- Мен бўлсам бундай аблаҳни остонамдан киритмаган бўлардим. Ахир бир аёлнинг гулдек умри ташвишу ҳасратда ўтишига сабаб бўлган, норасида гўдаклари кўз ёшини оқизиб ташлаб кетган одамга оиласи энди керак бўлиб қолибдими? Эшитганимдан буён шу Рихсихонга жуда қойил қоламан-да... Бу аёлда бардош унча-мунча аёлда йўқ... Ахир ўн тўққиз йил қорасини кўрсатмай кетган эрини кечира олди-я! Майли, биз нима ҳам дердик, илоё, энди бахтли бўлсин. Эрига ҳам инсоф берсин.

Шу суҳбат тугар-тугамас аёллар ўз бекатларида тушиб қолишди.

Мен эса Рихсихон исмли, сабру бардошли аёлга хаёлан бахт тилайман.

**ГУЛБАШАКАР**

**“Фаросат ўзи нима?” - 46-сон, 2007 йил**

**ЭСЛАТМА: Фаросатни бир сўз билан ифодалаб бериш қийин. Фаросат одамлар орасидаги муомала-муносабатимиз, юриш-туришимиз, уй-рўзғордаги иш тутишимиз. Хуллас, бизнинг қандай одамлигимизни белгиловчи тушунчадир.**

**Муаллиф: Муҳаббат Туробова**

# ФАРОСАТСИЗЛИК— НУҚСОН

Фаросат... Бу сўз замирида инсонга хос фазилатлар яшириниб ётганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Қайси ёшдаги ва қайси жинсдаги инсон бўлмасин фаросати бўлмаса, бу унинг оилада олган тарбиясининг камчилиги, деб тушунаман. Чунки инсон эсини таниши билан оиладаги яқинларига, ўзидан катта кишиларга тақлид қилиб, уларнинг гап-сўзлари, юриш-туришлари, бир-бирлари билан муомалаларини ўрганиб боради. Афсуски, кимнингдир томонидан фаросатсизлик билан қилинаётган хатти-ҳаракат, гап-сўз ва муомалаларни кўриб-билиб, билмасликка олиб кетавверадиган инсонлар ҳам бор. Ўша фаросатсизлик билан гапирилган гап, муомала, хатти-ҳаракатга йўл қўйган инсон камчиликларини ёши улуғ кишилар танбеҳ билан тузатиб борсалар жамиятда ақл-фаросатли ёшлар кўпайиб боради.

Фаросат ҳақида ёзилган мақола ва шу асосда ёзилган акс-садолар муаллифларига қўшилган ҳолда мен ҳам ўзим кузатган, пайқаб қолган баъзи бир нуқсонларни қайт этаман.

➔ **Уйнинг тўри.** Телевизор қўйилган. Кўрпачалар тўшалган. Уй тўрида икки йигит. Ўғил ёстиққа ёнбошлаган ҳолда овқат ичмоқда. Уйга ота кириб келди. Икки кўзи телевизорда бўлган ўғиллар ўринларидан туриш у ёқда турсин, отага назар ҳам ташлашмади. Пойгакда тўшалган кўрпачадан ота жой олди.

➔ **Ота ишдан келди.** Хотинидан нимандир олиб беришни сўради. Хотин юмушини қилишда давом этиб, эри сўраган нарсани кечикиб олиб берди. Эр хотинини шундай бўралаб сўкдики, ҳовлида юрган келини ва бўйига етган қизи уятдан ўзларини панага олишди.

➔ **Ҳовлида келин, қиз, неваралар.** Ёз фасли сўрига кўрпачалар тўшалган. Гуллар очилган, ҳаммаёқ чиннидай тоза ва озода. Сўрига тўшалган кўрпачада қайнота - ота чўзилиб ётибди. Ярим яланғоч. Кўкрак ва қўлтиқ остидаги жунларга кўзи тушганлар бир ижирғаниб қўйишади.

➔ **Қўшни ҳамсоясиникига ўтиб, эркак ҳамсоя билан гурунг қилаяпти.** Устида пижама, майка. Ҳовлида хотин-қизлар юмуш билан банд. Қўшни эркакка вақти-вақти билан қачон кетар экан, деб қараб қўядилар.

➔ **Серқатнов йўл.** Йўл четида экилган дарахтлар остида ўн етти, ўн саккиз ёшлардаги бир қиз билан бир йигит эрталаб соат саккиздан бошлаб тикка турган ҳолда суҳбат бошлайди. Йўлдан ёшу қари эркак-аёллар, болалар ўтиб қайтмоқда. Қани энди бу иккови пинагини бузса... Бу суҳбат хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, кеч соат тўрт-бешларгача давом этади. “Бу кимнинг қизи экан? Наҳотки уйида юмуши йўқ бўлса? Уйга бориб, онасига нима деб важ кўрсатар экан?” - деб ўйга толаман.

➔ **Қўшни аёллар бир-бирлари билан гурунгни қизитишаяпти.** - «Биласизми, қўшнижон,-дейди улардан бири. - Эрим кеча беш кило гўшт олиб келдилар. Мева-чеваларни айтмайсизми? Болаларим ҳала-була - қанд-қурсларни еийишмайди. Фақат шоколад еийишади. Нонни ҳам қозоқ унининг олий навидан пишираман. Шуни ҳам сал суви қочса еийишмайди. Ҳозир ҳам гўшт билан картошка қовуриб еб келаяпман. Кечки овқатга эрим манти буюриб кетганлар, болалар ош қилинг, деб қисташаяпти»...

➔ **Ҳовлига юмуш билан қўшни эркак кириб келиб, уйнинг эгасини чақирди.** Уй эгаси - эркак билан хотини баб-баравар чиқиб келишди ва чақирган қўшнига рўбарў бўлдилар. Уй эгасининг хотини ҳам: “Хўш, хизмат?” дегандай қўшни эркакка термулиб турибди. Қўшни айтмоқчи бўлган гапини эрига айтсамми, хотинига, қайсиси ҳукмдор экан, деб ҳайрон бўлади. Аёл ўзини бир четга олиш ўрнига: “Нима гапинг бўлса менга айт, мен ҳал қиламан”, дегандек қотиб тураверади.

➔ **Тўй.** Хотин-халаж тизилиб ўтирибмиз. Ён атрофимга қарайман. Тўғримда ўтирган аёлнинг икки ёнбошида иккита боласи ўтирибди. 6-7 ёшлардаги болалар. Онасининг тиззасига ёнбошлаб олган. Ош тортилди. Ҳалиги болаларнинг бири онасини турта бошлади:

- Она ошнинг гўштини олиб беринг.
- Вой, болажоним! Гўшт егинг келдими? Ма, ола қол,-ош устидаги гўшт кетди.
- Яна нима олиб берай, болам?
- Анави товоқдаги гўштларни ҳам олдимга олиб қўйинг.
- Вой, сендан ўргилай. Мана, болажоним. Ола қол...
- Холаси, гўштни яхши кўради-да, ўглим, қаерга борса ошнинг гўштини олиб бераман, мақтанди она.
- Анави олма-анорлардан ҳам олиб беринг, кейин ўйнаб келамиз, - деди иккинчиси. Шу алфозда уч-тўрт меҳмоннинг олди топ-тоза бўлди, она эса хурсанд...




* * *

Мен шу ўринда қизиқчиларимизнинг ойнаи жаҳон орқали берилаётган қизиқчилик кўрсатувларида бефаросатсизлик билан айтилаётган сўзларини ҳам ҳазм қилиш қийинлигини айтиб ўтмоқчиман. Қизиқчилик қилиб, одамларни кулдириш учун мавзу тополмасалар саҳнага чиқмаганлари маъқул эмасми? Саҳнага чиқиб ижро этаётган мавзулари фақат хотинлари ҳақида бўлади. Ёки беҳаё сўзлар билан якун топади. Оддий турмушдаги фаросат билан саҳнадаги фаросатнинг орасида катта фарқ бор. Шу ўринда бир кўрсатувдан эсимда қолган саҳнани ёзиб ўтай. Невараларим: “Мирза қизиқчининг кассетасини олиб келдик, кўрасизми буви”,-дейишди. Мен томоша қилиш учун келиб ўтирдим. Қизиқчиликлар олди-қочди сўзлардан иборат бўлиб, кўришга ҳам арзимас эди. Шундай бўлса ҳам ўтириб қолдим. Қизиқчилик эшаклар ҳақида экан, шу вақт Шукрулло қизиқчи эшакками, одамгами: “Ҳе, онангни эшак фалон қилсин”, - деди. Шунда Мирза қизиқчи Шукруллога: “Бор, эшакларни ҳайдаб юборган жойингдан қайтариб кел, уларга ҳам иш бор экан-ку”, - деди. Томошабинлар орасида ўтирган Мирза қизиқчининг онасини 4-5 маротаба кўрсатиб ҳам қўйишди. Оналар шундай ҳурматга лойиқми? Саҳнага чиқиб, юлдуз бўлиб олишгандан кейин ҳар нарса десам ҳам томошабинлар ҳазм қилиб кетаверишади, деб ўйлашса керак. “Хандалак”нинг иккала қизиқчиларининг дастлабки чиқишлари - томошаларини мароқ билан томоша қилардик. Кейинги вақтлардаги қизиқчиликлари ҳар мақомга йўргалаш бўлиб, фаросатсизликка айланиб бормоқда. Ўзларини ҳурмат қилмасалар ҳам қариларни ҳурмат, ёшларни иззат қилсалар олам гулистон бўларди.

Фаросат—бу сўз оддийгина эшитилгани билан кенг қамровли сўздир. Ҳар бир сўзимизда, юриш-туришимизда, муомаламизда яқинларимиз билан янада яқин бўлишимизда, элга манзур бўлишимизда фаҳму фаросатлилик билан яшамасак, сиз қанчалик олиму машҳур бўлманг, қанчалик шоҳона кийинманг, қанчалик мартабангиз баланд бўлмасин, саҳналарнинг порлоқ юлдузи бўлманг, бир қилиғингиз билан фаросатсизлик қилсангиз: “Ўзида нимадир бор экан-у, лекин фаросатсизроқ экан”, деган баҳони оласиз. Кўп нарса инсоннинг ўзига боғлиқ. Парвардигор инсонга энг олий неъмат ақлни берган. Инсон ўзи иззат-ҳурматда бўлай, деса ён-атрофдагиларни ҳам ҳурмат қилиши лозим. Шундагина фаҳм-фаросат билан иш қилаётган бўлади.

**Адолат РАҲИМОВА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Қарши тумани.**

**“Меҳр тансиқ, оқибат тансиқ” - 9-сон**

**ЭСЛАТМА: Аёлнинг гўзал чеҳраси, ногирон оёқларига қараб кўнглим бузилиб кетди. Шофёрнинг биргина нобоп ҳаракати наҳотки ўзгалар ҳаётини дўзахга айлантириши мумкинлиги ҳақида ўйлашмаса?**

**Муаллиф: С. Фахриддинова.**

# ЖАЗОЛАНМАЙ ҚОЛМАЙДИ

Бир фалокат туфайли ногирон бўлиб қолган аёлга жуда ачиндим. Ҳушсиз, чалажон ётган аёлни яқин атрофдаги шифохонага олиб бориб ётқизиш ўрнига, ҳушсизлигидан фойдаланиб, кимсасиз хилват жойга улоқтириб кетган ҳайдовчига “суф” сендай номардга, деб дилимдаги бор нафратимни юзига айтгим келди. Афсуски, бундай номардлар, ҳаётимизда оз бўлса-да, учраб туради. Орамизда нимагадир “шохидамас баргида юрадиган” олғир кимсалар кун сайин кўпайиб кетаётгандай. Бундай олғирлар, ўзларича, ҳаммани “чув” тушириб кетаман, ҳеч ким менинг мушугимни “пишт” дея олмайди, деб ўйлашади. Тўғри, қонун ҳимоячилари орасида ҳам бундайларнинг кирдикорларини кўриб кўрмасликка олаётган, кўз юмаётган, улар билан “тил топишаётганлар” ҳам йўқ эмас. Шундайлар ҳисобига диёнатсизлар ўз нопок ишларини қилиб ўтишибди. Улар аслида бизларни эмас, ўзларини алдашаётганини билишмайди. Чунки улар ўз нопокликларини сир тутиб, жазодан қутилиб қолишлари мумкин. Аммо ҳамма нарсани кўриб, билиб тургувчи Аллоҳ бор-ку! Наҳотки улар Аллоҳни ҳам алдайман, айбларимни бўйнимга олмай, тониб тураверaман, деб ўйлашса.

**Равшан ИСОҚОВ,**
**Тошкент шаҳри,**
**Бектемир тумани.**

# ХАТО ҚИЛИБСИЗ

**“Тилла узукни деб”,-2-сон**

**ЭСЛАТМА: Онам қайнонамга туғилган кунида тилла узук совға қилганди. Лекин, қайнонам узукни тақмай, менга олиб чиқиб берди. Шу баҳона тинч турмушимиз бузилди.**

**Муаллиф: Гулбашакар**

Синглим Шохиста! Яхши умид ва орзулар билан оила қургансиз. Келин деган номингиз бор. Урф-одат ва анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат каби фазилатлар эгингиздан чиқмасин. Хонадонга келин бўлиб тушганингиздан кейин уни “ночор оила” деб айтишингизни ножоиз деб биламан. Ахир энди сиз ҳам шу оиланинг аъзосисиз. “Туғилган куни қайнонамга берилган совға, яъни узук орамизда можаро чиқишига сабаб бўлди”, -дебсиз. Совға қилинган узукни тақиб юринг, дейиш шарт эмас-ди Нотўғри иш қилгансиз. Орадан бир кун ўтибди-ю “меҳмонга борганингизда тақиб юрсангиз бўларкан” деб маслаҳат берибсиз. Хато қилибсиз. Ўзига қўйиб бериш керак эди. Сизни қилган хатти-ҳаракатингиз узукни сизга қайтариб беришга олиб келган. Аслида тилла тақинчоқни совға қилиш шартмиди. Қайнонангиз тақинчоғи йўқлиги сабабли бу ҳаракат билан ўзини камситилгандек ҳис қилгандир... У киши мол-мулк, тақинчоқлардан ҳам кўра фарзандлари бахти ва тахтини ўйлар, ҳаётга бошқача разм солар... У инсоннинг ҳурматини жойига қўйинг. Негаки у мўътабар зот-турмуш ўртоғингизнинг онаси. Аразламанг, ҳеч нима бўлмагандай уй юмушлари, қизчангиз тарбияси ва қайнонага кўнгилдан хизмат қилиш хаёлингиздан кўтарилмасин. Оилангиз қўрғони мустаҳкам бўлсин.

**Ўктам ДЎСТЖОНОВ,**
**Хоразм вилояти,**
**Хонқа тумани,**
**Сарапаён қишлоғи.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Отажонимиз Абдимурод РАҲИМОВ! Таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз. Ҳамиша соғ бўлиб, узоқ умр кўринг.

Оила аъзоларингиз

Ҳурматли ИРОДА! Таваллуд айёмингиз билан қутлайман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман. Гўзаллик ва омад сизни тарк этмасин.

Дугонангиз Гулноза



Қадрли дўстларимиз ҒАЙРАТЖОН ва АКБАРЖОН! 54 баҳорингиз муборак бўлсин. Умрингиз узоқ, тани-жонингиз соғ бўлсин.

Султонмурод, Ёрмуҳаммад.

Дўстимиз ОТАБЕК! Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда зафарлар тилаймиз.

Дўстларингиз номидан Фарҳод



Ҳурматли МОҲИРАХОН! Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда омадлар тилаймиз.

Дугоналарингиз

Азиз ОНАЖОНИМ! Қутлуғ 55 ёшингиз муборак бўлсин. Умрингиз узоқ, танингиз соғ бўлсин. Ҳамиша юзингиз ёруғ, ҳаётингиз нурафшон бўлсин.

Фарзандларингиз, набираларингиз



# ҚУЧОҒИНГИЗ ГУЛЛАРГА ТЎЛСИН!



Суяги меҳнатда эрта қотган кишининг юки ҳеч қачон ерда қолмайди. Дадажоним ўқитувчилик фаолиятини бошлаганларида 14 ёшдан ҳали ўтиб ўтмаганди. Бутун ғайрати, ўзидаги бор шижоат, билимни таълимга бағишлади. Урушдан кейинги пайтлар эмасми, дарсхонадагиларнинг айримлари ёш жиҳатидан ҳам, гавда жиҳатидан ҳам дадамдан катта кўринган экан.

1950 йилда Четсу қишлоғидаги мактабга директор бўлиб келган чоғлари дадамнинг айни йигитлик пайтларига тўғри келади. Боя айтганимдек, дадам бор умри, куч-ғайратини ёшларга таълим беришга бағишлаган. То нафақага чиққунича ўзи туғилиб ўсган қишлоқда ўқитувчилик қилган. Дадамнинг адабиётга, шеъриятга ихлоси баланд бўлган. "Ғунча" журналида ишлайдиган мухбирлар, ёзувчи-шоирлар дадам раҳбарлик қилган мактабга тез-тез келиб туришган. Шунинг учун шогирдлари ҳаётда қайси соҳани танламасин, адабиётни севадиган чин инсонлар бўлиб етишишган. Қишлоқдагилар дадамнинг исмлари ёнига доимо устоз сўзини қўшиб чақиришган. Шу-шу дадам Ғофиржон устоз бўлиб кетган.

**Кутлов**

Онажоним - раҳматли Ҳолбувинисо ая билан аҳил, иноқ, ибратли ҳаёт кечиришган. Бугун 85 ёшли дадажонимнинг кўксини "Фидоий халқ таълими ходими", "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" ҳамда "Шуҳрат" медали безаб, тўлдириб турибди. Қуйидаги шеъримни 8 фарзанд, 50 невара, 30 чевара ардоғида кексалик гаштини сураётган дадажонимга бағишлайман.

***Ёш авлодга зиё улашган,***
***Инсон умри азиз бўлади.***
***Отасининг дуосин олган,***
***Ўғил-қизнинг бахти кулади.***

***Кўзларингиз ёшланса агар,***
***Отам фақат севинчдан бўлсин.***
***Қутлуғ кунда жамдир фарзандлар,***
***Қучоғингиз гулларга тўлсин.***

***Сўзларингиз қумсаб, соғиниб,***
***Талпинамиз мудом сиз томон.***
***Мана бугун қутлуғ ёшингиз,***
***Бахтимизга сиз бўлинг омон.***

**Муҳайё МАДАРОВА**
**Ангрен шаҳри.**

**АҲМЕДОВА ЖАМИЛА ҒАНИЕВНА**га Тошкент халқ хўжалиги институтидан 1989 йилда берилган **УВ-I№ 035607** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Республика Болалар жамғармаси, Сирдарё вилояти Болалар жамғармаси раиси Шавкат Мамараҳимовга падари бузруквори

**ЎРОЛ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


# «TO'RABEK ZIYO» ўқув маркази

**Ҳурматли ва азиз ота-оналар!** Фарзандларингиз келажакда танлаган соҳалари бўйича етук кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшликдан билим чўққиларини мустаҳкам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамиз!!!

**"Эй ўқувчи** — бу ҳаётда обрўли, кучли, енгилмас, иродали, **бой бўлишнинг ягона калити — билимдир.** Уни эгалласанг юқоридагиларга албатта эришасан. Шунинг учун **юракдан ўқи, бўлмаса сарсон бўласан!!!"**

***МАРКАЗ ШИОРИ***

Тошкент шаҳрида яшаб мактаб, коллеж, лицейларда ва боғчаларда ишлаётган тўлиқсиз ўрта маълумотга эга **ўқитувчиларни, тарбиячиларни ТДПУнинг махсус сиртқи факультетига,** поликлиника ва турли шифохоналарда, тиббиёт коллежларда ишлаётган тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлмаган ҳамшираларни **Тошкент тиббиёт академияси қошидаги "Олий тоифали ҳамшира" махсус сиртқи факультетига,** Тошкент шаҳрида ўқиётган 5-6-7-8-9 синф ўқувчиларини ҳамда лицей, коллежларда ўқиётган ўқувчиларни, республика миқёсидаги олий ўқув юртларига тайёргарлик кўраётган **абитуриентларни чуқурлаштирилган дастур асосида** Ўзбекистон Республикасидаги барча олий ўқув юртларига ҳамда, **"Westminster", Garvard, Oksford, Kembrij** ва бошқа чет эл ўқув юртларига **(TOEFL доирасида)** қуйидаги йўналишлар бўйича кириш имтиҳонларига **кафолатли тайёрлайди:**

**Иқтисод йўналиши:** математика, инглиз тили, она тили ва адабиёт; тарих;

**Ҳуқуқшунослик йўналиши:** тарих, инглиз тили, она тили ва адабиёт; математика;

**Тиббиёт йўналиши:** биология, кимё, она тили ва адабиёт; физика

**Техника йўналиши:** математика, физика, она тили ва адабиёт; тарих;

1. **Компьютер саводхонлиги** - компьютер ҳақида бошланғич маълумотлар.
2. **Windows XP** - сиз уни, у сизни тушунади.
3. **Microsoft Word** - матнлар билан ишлаш.
4. **Microsoft Excel** - электрон жадваллар билан ишлаш.
5. **Microsoft Power Point** - тақдимотлар тайёрлаш ва намойиш этиш.
6. **Интернет ва E-mail** - бутун дунё бўйлаб саёҳат...
7. **Web-саҳифалар яратиш** - безаклар, расмлар билан ишлаш.
8. **Бошқа тадбиқий программаларда ишлаш** - (сканер, антивирус, архив...)
9. **Ҳар хил дастурларни компьютерда яратиш.**

**Ўқув маркази тил ўрганувчиларни инглиз, рус тили курсларига таклиф қилади.**

**Ўқув марказида уй ҳамшираси, болалар массажи курслари мавжуд.**

**Дарсларни конкурсларда ғолибликни қўлга киритган, тажрибали мутахассислар олиб боради.** Тингловчилар ҳар куни соат **08:00дан 18:00 гача** қабул қилинади.

**Ўқув маркази раҳбарияти дарсларнинг сифатини кафолатлайди.**

**Тингловчилар ўқитувчиларни танлаш имкониятига эга.** Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Тингловчиларга сертификат берилади.

**Манзил:** Хадра меҳмонхонаси, 6-қават.

**Мўлжал:** Тошкент Давлат цирки биноси ёнида. **Тел: 244-26-09, 244-26-34**



# АБДУРАҲМОН хусусий шифохонасида

ЧАСТНАЯ КЛИНИКА ЛОР ХУСУСИЙ КЛИНИКАСИ

## ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ᵃуй.**
**ТЕЛЕФОН: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**


Тошкент шаҳар Хўжалик судининг **20.02.2008 йил №10-0819/377** сонли ҳал қилув қарори билан **«IMPERIYA-KINO» МЧЖ БАНКРОТ** деб эълон қилинди. Тугатиш бошқарувчилигига Юнусобод туман Давлат солиқ инспекцияси ходими У.А. Рўзиев тасдиқланди. «IMPERIYA-KINO» МЧЖнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак тамғалари, рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари **БЕКОР** қилинади. Қарздор банкротлиги муносабати билан унинг ходимлари билан тузилган меҳнат шартномалари **БЕКОР** қилинади.

**Барча даъво, эътирозлар икки ой муддат ичида Юнусобод туман, А. Темур кўчаси, 95-уй. Туман Давлат солиқ инспекцияси биноси, 15-хонада қабул қилинади.**

# ТАБАРРУК МОМО

***Юз билан юзлашганлар***

Қонтим момо Ербаева 1909 йил Пайариқ тумани Қизилолма қишлоғида туғилган. Бугун 99 ёшларида ҳам бардам, тетик, фарзандларига бош-қош момонинг отаси Нурқул бобо узоқ умр кечириб, 96 ёшларида вафот этган эканлар. Момонинг катта опаси Қурбоной 86 ёшида, кичкина опаси Тўқсулув 84 ёшида вафот этиб кетишган. Момонинг умр йўлдоши Қосим бобо эса 78 ёшида вафот этган

Қонтим момо ўз умри давомида кўп даврларни, кўп оғир кунларни бошидан кечирган, барчасини матонат билан енгиб ўтган табаррук момодир. Момонинг 3 ўғил ва 3 қизлари, 40 та невараси, 70 та чевараси бор.

Бугун момо қизлари Саломат, Бўригул, Руқия, ўғиллари Омон, Абдумўмин, Салимларнинг ардоғида кексалик гаштини сураётир. Табаррук 99 ёшларини қарши олаётган бу муҳтарама онажонга соғлиқ-саломатлик, бундан-да, узоқ умр, бардамлик, фарзандлари камолини кўриб юришини тилаймиз.

**Турди ТУРСУНОВ,**
**Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ушбу ҳафтада омадингизни синаб кўришингиз учун қулай имконият пайдо бўлади. Шанба — оилангизга қувонч келтиради.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Кўпдан буён чўзилиб келаётган пул муаммосини жума куни муваффақиятли ҳал этасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Вояга етган фарзандларингиз учун бахт эшиги очилиши кутилмоқда.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Бошлиқларингиз ишингиздан мамнун бўлишади. Маошингиз ошиши эҳтимоли бор.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Ҳамкасбларингиз билан келишиб ишлаганингиз маъқул. Акс ҳолда кўнгилсизликдан қутула олмайсиз.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Бу ҳафтани дам олиш билан ўтказишга ҳаракат қилинг. Фарзандларингиз билан сайр қилинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Сиз учун сермаҳсул ҳафта бошланаётган бўлсада, оилангизда озроқ муаммо пайдо бўлиши мумкин.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Янги ишингизга киришиб кетасиз. Янгиликлар кашф қилиб, ҳурмат қозонасиз.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Бизнесга оид ишларингизни бошқа кунга қолдиринг. Хушхабар эшитишингиз мумкин.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Ишларингиз қанчалик юришмасин, саломатлигингиз сизга панд бериши мумкин. Соғлиғингизни тиклаб олинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Чоршанба куни янги уйга кўчишингиз эҳтимоли бор. Мебеллар сотиб олишни кечиктирманг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Оилангиз фаровонлиги сизга боғлиқ. Хонадонингизнинг тинчлиги сизга боғлиқлигини унутманг.

Синалган ҳақиқатлар



# БАШОРАТНОМА

**(Боши ўтган сонларда)**

➔ Бармоқ қулоққа ёки кўзга тегиб турса, ўзини ноқулай сезиш, журъатсизлик, ишонтиришга уринишни англатади.

➔ Бош ва кўрсаткич бармоқларнинг ёстиқчалари бирлаштирилиб, бошқа бармоқлар эса ёйилиб турган бўлса, бутун диққат-эътиборнинг бир жойга, бир нуқтага жамланганлиги.

➔ Қўлларни белга қўйиб туриш – ўз "МЕН"ини кучайтириш эҳтиёжи борлиги, ўз қатъияти ва кучини намоён этишга ҳаракат қилиш, чақириқ. Тез-тез шундай ҳолатда туриш эса ички ожизликни яширишга уриниш белгисидир.

➔ Қўлларни столга, стулнинг суянчиғига ёки бошқа бирор нарсага тираб, танани ушлаб туриш – ички ишончсизлик ёки маънавий таянчга интилиш ҳолати.

Қуйида эса америкалик олимлар Д. Ньюренберг ва Г. Калеро томонидан таърифланган хатти-ҳаракатлар гуруҳларини келтириб ўтамиз.

**Очиқлик ҳаракатлари.** Улар орасидан қуйидагиларини ажратиб кўрсатиш мумкин: қўлни кафтларни юқорига қилиб очиқ ҳолатда тутиб туриш (очиқлик ва чин кўнгилдан муносабат белгиси), қўллар очиқ ҳолатда елкани қисиш (кишининг очиқлигини англатади), пиджак (костюм) тугмаларини ечиш (сизга нисбатан дўстона муносабатда бўлган киши суҳбат чоғида тез-тез пиджагининг тугмасини ечиб-қадаб туради. Ҳатто сизнинг олдингизда уни ечиб қўйиши ҳам мумкин). Масалан, болалар ўз ютуқлари билан мақтанишни истаб қолишса, очиқчасига қўлларини кўрсатишади, айб иш қилиб қўйишганда эса қўлларини чўнтакка ёки орқага қилиб яширишга тиришадилар. Мутахассислар шунингдек, муваффақиятли кечаётган музокаралар чоғида унинг иштирокчилари пиджакларининг тугмаларини ечишларини, оёқларини тўғрилаб ўтиришларини, стулнинг учига сурилиб, столга, демакки суҳбатдошга имкон қадар яқин келишларини ҳам кузатганлар.

**Ҳимоя (муҳофаза) ҳаракатлари.** Агар мулоқот чоғида суҳбатдошингиз қўлларини кўкрагида чалиштириб олса, билингки, у мунозарадан қочишга уринмоқда. Шунингдек, қўлларнинг мушт қилиб тугилиши ҳам гапираётган одамнинг ҳимоя ҳолатини эгаллаганлигини билдиради.

**Баҳолаш ҳаракатлари.** Улар ўйчанлик ва орзу-хаёлларга берилувчанликни англатади. Масалан, қўлни ёноқларга қўйиб туриш чуқур ўйга толганлик белгиси. Танқидий баҳони англатувчи ҳаракат – кафт иякка тираб турилади, кўрсаткич бармоқ ёноқда, бошқа бармоқлар эса оғиз остида бўлади.

Бошни эгиб туриш суҳбатдошни диққат билан тинглаётганликни билдиради. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, кенг аудиторияда маъруза ўқиётган ўқитувчи ўз тингловчиларига эътибор қилиши лозим. Агар тингловчилардан аксарият қисмининг боши пастга эгилмаган бўлса, гуруҳ маърузани қизиқиб тингламаётганини билдиради.

Иякни худди соқолни сийпалагандай силаб туриш (маъноси: "яхши, келинг ўйлаб кўрайлик!") инсон бирор қарор қабул қилаётганда ишлатиладиган ҳаракатдир.

**Зерикиш ҳаракатлари.**

Оёқ билан полни дўмбира қилиб чалиб, беихтиёр олдидаги қоғозга турли нарсаларнинг расмини чизиб ўтириш, бўмбўш (гарчи сизга қараб турган бўлсам-да, сизни умуман эшитаётганим йўқ, деган маънода) қарашлар.

**Оро бериш ҳаракатлари.** Аёллар сочларини сийпалашади, соч турмагини, кийимларини тўғрилашади, ўзларини тошойнага солиб кўришади; эркакларнинг олдида оёғини чалиштириб ўтириш, белларини, оёқларини сийпалаш; туфлисини оёғининг учига илиб ўйнаб ўтириш("сизнинг олдингизда ўзимни осуда ҳис этаман", деган маъно англатади). Эркакларда эса – бўйинбоғни, кўйлак тўғноғичини, пиджакнинг ёқаларини тўғрилаш, гавдани тик, қадни расо тутиш, иякни юқорига-пастга қимирлатиш.

**Гумонсираш, пинҳонийлик ҳаракатлари.**

Қўл билан оғизни ёпиб туриш – суҳбатдош муҳокама этилаётган масала юзасидан ўз нуқтаи назарини яширишга уринаётганини билдиради. Қарашларни четга олиб қочиш – сирлилик, пинҳонийлик белгиси. Оёқлар ёки бутун тана чиқиш эшиги томонга қараб турган бўлса, бу одам тезроқ учрашувни ёки суҳбатни якунлаш истагида эканини англатади.

Кўрсаткич бармоқни бурунга теккизиб-теккизиб туриш – гумонсираш белгиси (бу ҳаракатнинг яна бир кўриниши – кўрсаткич бармоқ билан қулоқ солинчоғини силаб-силаб қўйиш).

**Устунлик ва бўйсуниш ҳаракатлари.**

Устунлик қўл бериб кўришиш пайтидаёқ англатилиши мумкин. Агар суҳбатдошингиз кўришганда қўлингизни қаттиқ сиқиб, қўлларингизни ўз кафти юқорида турган ҳолатга айлантирса, у сиздан жисмоний устунлигини кўрсатишга уринаётган бўлади. Агар аксинча кўришиш учун қўл узатганида кафти юқорига қараган бўлса, у бўйсунишга тайёр экан.

Мабодо мулоқот чоғида суҳбатдошингиз қўлини чўнтагига солиб, бош бармоғини эса ташқарига чиқариб турса, билингки, у ўзининг етакчилик мавқеига қатъий ишонади.

**(Давоми бор)**

**ДАРМОН тайёрлади.**

# САХОВАТПЕШАЛИК — УЛУҒ ФАЗИЛАТ

Қадриятларимиз



Суҳбатдошимнинг "Қайнонам 60 ёшга тўлдилар. Нима совға қилишни билолмаяпман"-, деган гапи ушбу мақоланинг ёзилишига сабаб бўлди. Тўғри, бирор сабаб билан кимгадир ҳадя берсангиз ҳадя олувчинигина эмас, аввало ўзингизни хурсанд қиласиз. Албатта, гап фақат совғада эмас, гап эътиборда. Чунки ичингизда ўша кишига нисбатан, аввало, эътибор пайдо бўлди, кейин ҳадя ҳақида ўйладингиз...

Ҳадянинг катта-кичиги бўлмайди, дейишади. Бир дона гулдан тортиб, жуда қимматбаҳо буюм ёки мулк– уй, машинагача ҳимматингиз, қувватингиз даражасида совға қилишингиз мумкин. Чин кўнгилдан, ҳеч қандай таъмаларсиз берилган ҳадя ҳадяларнинг аълосидир.

Ҳазрат пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи васаллам, одамлар орасида очиққўллик, саҳоватпешалик хусусида жуда кўп ҳадислар қолдирганлар:

➔ Тангри сахийдир, сахийларни дўст тутади. Ахлоқи олий кишиларни ёқтириб, ахлоқсизларни ёқтирмайди;

➔ Хайру-эҳсонни бечораҳолга беришлик садақа ҳисобланади, қариндошга беришлик ҳам садақа, ҳам мурувватдир;

➔ Бир-бирларингизга эҳсон (ҳиммат, совға) қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади.

Қаранг-а, совға бериш, мурувват кўрсатиш, сахийлик– АХЛОҚИ ОЛИЙЛИК саналаркан. Аммо бизнинг кунларда можароларга сабабчи совғалар ҳам озми-кўпми учраб туради. Айниқса, тўйлардан кейинги гап-сўзларни эслаш кифоя. "Мен жиянимга унча совға қилгандим, мунча совға қилгандим.." "Қудамга бош-оёқ сарпо қилгандим, у паст кетибди" ёки оилавий ажралишларда бўладиган ҳисоб-китобларда ҳар икки томоннинг ҳадя–совғаларини қайтариб олиш ҳолларини кўрсангиз эди. Суд, маҳалла-кўй аралашиб ҳам бу можароларни ҳал этиш осон кечмайди.

***Энг ёмон ҳадя –таъмагирлик ҳадясидир. Уни олувчи ҳам, берувчи ҳам билиб туради. Замирида эса нафсдан бошқа муддао йўқ. Шунинг учун пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи васаллам, "Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқишидир",*** дея васият қилганлар.

Бирор мансабни эгаллаш, болаларни ўқишга жойлаш, ишга жойлашиш каби масалаларда ғаразли мақсадлар билан ҳадялар бериш ва олиш ҳоллари ҳеч кимга сир эмас. Ғаразли ҳадялар хусусида Шайх Саъдий ҳазратлари ғоят чиройли лутф қилганлар:

***"Гар қози ер экан, беш***
***бодринг пора,***
***Беш полиз ҳукмига топади***
***чора".***

Ҳадянинг чиройлиси узоқ-яқин қариндош, амма-хола, кексайиб қолган улуғларимиз, устозларни йўқлаб борилганда астойдил кўнгилдан чиқариб бериладиганидир. Оламдан ўтиб кетган ота-оналарни қўмсаб, уларнинг дўстларини ҳадялар билан сийлаганга не етсин. Афсуски, бундай хуш ва муборак одатлар камайиб кетаётир. Чунки, баъзан ойда-йилда қариндош, ота-оналарни йўқлаб, тангрининг саломини бериб келишга имконимиз бўлмайди. Кўпинча муҳим ишларимиз "йўлимизни тўсиб турса не илож", деб кўнглимизни овутамиз. Аслида ҳамиша ҳам шунақа эмаслигини ўзимиз билиб турамиз.

Севимли ёзувчимиз Ойбек домланинг очиқ қўлликлари ҳақида эшитганмиз: "У киши эгни юпунроқ бирон ёш ижодкорни кўрганда шундай қилардиларки, у кишининг қўлини қайтаришга, хижолат тортишга ҳам ҳожат қолмас эди. "Мана шу костюмни кийиб кўринг, менда бундан бир нечтаси бор", "Мана шу туфли оёғимни сал сиқиб турибди-да, шу мушкулотдан мени қутқаринг. Ҳа, сизга ярашди, тепкилаб-тепкилаб кийиб юринг".

Саховатпешалик, яқин-йироқларимизни йўқлаб туриш каби фазилатлар инсонийликнинг зийнати сифатида ҳамма даврлар учун қадрлидир. Ота-боболаримиз пайғамбаримизнинг (а.с.) "Ўнг қўлинг қилган саховатни чап қўлинг билмасин" ҳадисига амал қилганлар.

Халқимиз ичида шундай кишилар борки, уларнинг бир қўли доим ҳиммат учун очиқ, лекин хотамтойликларини сир тутадилар. Бир шоира дугонамизнинг ойиси Тўхтажон опа ( илоҳим жойлари жаннатда бўлсин) деган чевар кийим тиксалар, бирда ҳақ олса, бирда олмасдилар, ёки кам олардилар. Қизлари: "Нега ундай қиласиз, юрт учун меҳнат қилишингиз керакми?" дея хафа бўлганида, Тўхтажон опа: "Кўп гапирмагин, шу юрганингнинг, бош-кўзинг, қўл-оёғингнинг шукронаси йўқми? Иложини топсанг, бир қўлинг эҳсонда бўлсин, болам!"-дердилар. Зеро, "Бергувчи қўл олгувчи қўлдан яхшироқдир"-ҳадиси шундай кишилар ҳақидадир.

Ҳазрати Ойша (р.а.) дебдурлар: "Жаноби расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам, ҳадя қабул қилар эрдилар. Ва анго мукофот ҳам берур эрдилар. Ва мукофотлари олган нарсаларидан яхшироқ бир нарса бўлур эрди".

Дарвоқе, ҳадянинг катта-кичиги бўлмайди дедик. "Топган гул, топмаган бир боғ пиёз", деганларидек, бир оғиз яхши сўз ҳам ҳадядир, эҳсондир. Бир-бировни йўқламоқликда фазилат бор, меҳр-оқибат кирган остоналарда барака. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, дўсти-ёр бир-бирини йўқлаб туриши қандай яхши. Меҳр-оқибатли Ўзбекистонимизни худди ана шундай саховатпешалик, яхши урф-одатлар ҳеч қачон тарк этмасин.

**Раъно РАҲМОНБЕРДИ қизи**

# КЎРИБ ҚЎЙИШСИН

Ҳангома

- Ассалому алайкум, амаки.

- Ваалайкум ассалом. Келинг, куёв.Яхши юрибсизми, уйингиз тинчми? Кейинги пайтларда камнамосиз, тинчмисиз ишқилиб?

- Ҳа, энди...

- Мениям тобим йўқроқ. Бир дўхтирга кўринай десам, дўхтирга олиб борадиган киши йўқ.

- Бир эмас, учта ўғлингиз бўлса, яна қандай одам керак.

- Ҳаммаси ўзларидан ортмайди. Узоқдан ҳадеганда келишолмайдиям.

- Иш, йўл баҳона бўлмайди. Ота керак бўлса, вақт топишсин-да.

- Сизда вақт бемалол бўлса керак-а, куёв?

- Мендан сўраманг, бош қашишга вақт йўқ.

- Дўхтирга кўриниб, зарур бўлса, бир яхшилаб даволаниб олиш учун уч миллион пул йиғиб, битта қўчқор ҳам боқиб семиртиргандим. Пулинг бўлгани билан қаерга, қандай сарфлашни билмасанг, фойдасиз экан. Бу аҳволда пулни чангаллаб ўлиб кетадиганга ўхшайман.

- Нега ўларкансиз, ҳечам ўлмайсиз. Мен сизнинг ўлишингизга қараб тураманми. Қани, пулларни менга беринг. Ҳозир машина топиб келиб, қўчқор билан сизни уйга олиб кетаман. Эртагаёқ ўша ёқдан дўхтирга жўнаймиз. Мен билан қизингизнинг сизга қанчалик ғамхўр эканимизни ўғиллар-у келинларингиз бир кўриб қўйишсин.

**Нормамат ТОҒА**

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ухшаши йук» 120-серия
08.30 Узбек наволари
09.30 Сериал «Замонавий она» 2-серия
10.40 Мировые хиты
11.30 «Большой переполох в маленьком Китае» худ.фильм
13.30 Узбек наволари
14.30 «JannatMakon»
15.00 Сериал «Жассига ухшаши йук» 120-серия
15.30 Baby hits
15.40 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 Узбек наволари
18.30 Сериал «ЖАССИГА УХШАШИ ЙУК» 121-серия
19.00 Сериал «ЗАМОНАВИЙ ОНА» 3-серия
20.10 Мировые хиты
20.30 Узбек наволари
21.30 Сериал «24 часа»
22.20 -01.00 Киноколлекция: «КТО-ТО ПРОЛЕТЕЛ НАД ГНЕЗДОМ КУКУШКИ» худ.фильм

### ОРТ

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.25 «Малахов +»
9.25 «Контрольная закупка»
10.00 «Убойная сила». Многосерийный фильм
11.00 Новости
11.15 «Модный приговор»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Понять. Простить»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 «Бриллиантовое дело».Фильм 1-й
15.00 «Огонь любви».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 «Пусть говорят»
18.10 «След»
19.00 «Принцесса цирка».
20.00 Время
20.30 «Апостол»
21.25 «Вицин, которого мы не знали»
22.25 Теория невероятности. «Современные святые»
23.10 Ночные новости
23.30 «Доброй ночи»
0.30 Джек Леммон в фильме «Пропавший без вести»
2.00 Время
2.30 Фильм «Пропавший без вести». Продолжение
3.00 Мистический триллер «Поверхность»

### РТР

4.00 «Доброе утро!».
7.55 «Чернобыль. 20 лет спустя».
8.50 «Опера. Хроники убойного отдела».
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.45 «Опера. Хроники убойного отдела».
11.40 ЗОЛОТОЙ ФОНД. Лилита Озолиня, Юозас Киселюс, Ромуальдас Раманаускас и Людмила Чурсина в экранизации произведений Олега Руднева «Долгая дорога в дюнах». 1980г.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 Екатерина Кабак, Мария Климова, Степан Старчиков, Галина Польских, Олег Морозов и Дмитрий Мартынов в телесериале «Мачеха».
14.35 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.00 ВЕСТИ.
16.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.50 ВЕСТИ.
17.05 «Женщина без прошлого». Телесериал.
18.00 «Родные люди». Телесериал.
19.00 ВЕСТИ.
19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Сергей Шеховцов, Владимир Стержаков и Николай Добрынин в телесериале «Батюшка». 2008
21.50 ПАМЯТИ БОРИСА ЕЛЬЦИНА. «Б.Н.». Фильм Николая Сванидзе.
23.10 «ВЕСТИ+».
23.30 Марк Бернес, Павел Кадочников, Татьяна Конюхова, Мария Миронова и Николай Рыбников в комедии «Запасной игрок». 1954г.
1.10 «Кинескоп» с Петром Шепотинником». «Парижские тайны».
2.05 «Дорожный патруль».
2.20 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУЧНОЧНИКОВ. Телесериал «Закон и порядок» (США).
3.20 Комедийный телесериал «Война в доме-2» (США).

## ПАЙШАНБА 24

### O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавоҳири». **Т/с.**
7.35 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
7.55 ТВ анонс.
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Олтин мерос».
8.40 «Қайтар дунё». **Т/с.**
9.20 «Изҳор».
9.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
9.45 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
9.50 «Цирк, цирк, цирк».
10.10 «Қизиқарли математика». М/с.
10.30 ТВ анонс.
10.35 2008 йил – Ёшлар йили. **«Таълимга эътибор - келажакка эътибор».**
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ шифокор».
11.15 «Аччиқ ёлғон». **Т/с.**
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Сўнгги қиролича». **Т/с.**
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Эски альбом».
14.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
14.45 «Ўзбегим ёшлари – Бельгияда». 2-қисм.
15.45 ТВ анонс.
15.50 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан. **«Тарих кўзгуси». 1-қисм.**
16.10 «Одамлардан бири».
16.30 «Ҳаёт манзаралари».
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Шифокор қабулида».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Изҳор».
18.00 «Минг бир ривоят».
18.05 «Қайтар дунё». **Т/с.**
18.50 ТВ анонс.
18.55 «Бир жиноят изидан».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». **Т/с.**
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Хонадон».
21.55 «Сўнгги қиролича». **Т/с.**
22.55 ТВ анонс.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
23.10 «Мерос». **Т/с.**
24.00-00.10 Тунги наволар.

### Ёшлар

6.55 «Аждодлар садоси».
**7.00** «Каминанинг оиласи».
7.30 «Тунги парвоз».
8.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Келажак эгалари».
9.10 «Қадрдон қўшиқлар».
**9.20** «Алия». **Т/с.**
10.00 «Давр».
10.10 «Ёшлар ила саёҳат».
11.00 «Автопатруль».
11.20 «Yoshlar-FM».
11.30 «Нафосат олами».
11.40 «Ёшлар навоси».
**12.00** «Жумонг». **Т/с.**
12.40 «Чемпион».
13.00 «Давр».
13.10 «Сумалак базми». В/ф.
**14.00** «Пуаро». **Т/с.**
14.50 «Сувни асранг!»
15.00 «Ёшлар майдони».
16.00 «Давр».
**16.10** «Шерлок Холмс». **Т/с.**
16.45 «Ёшлар симфонияси».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Болалар баҳори».
**18.00** «Каминанинг оиласи».
18.30 «UzEX хабарлари».
18.35 «Мулки мумтоз».
18.55 «Тошкент – 2200».
19.00 «Давр».
**19.30** «Алия». **Т/с.**
20.15 «Тафаккур чироғи».
20.20 «Келажакка интилиб».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Юртим юраги».
**21.10** «Жумонг». **Т/с.**
21.55 «UzEX хабарлари».
22.00 «Давр».
22.30 «KINOMANIYA».
**23.00** «Ҳаёт-мамот».

### TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Эсмеральда».
8.55 «Телекурьер – маркет».
9.20 «Хор жамоасининг концерти».
9.30 «Пойтахт»
9.40 «Эртамиз эгалари».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.30 «Пойтахт»
10.40 «Милагрос»
11.10 «Интервью» /рус/.
11.30-13.30 Кино: «Арсен Люпен».
***
17.55 Мультфильм
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Эсмеральда».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Иқтисод-ревью»/рус/
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Милагрос».
20.50 «Интервью»/.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Қонун доирасида».
22.30 «Пойтахт»
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Кино: «Западня».

### SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.20 «Мир природы». Д/ф
8.30 «Малахов +».
**9.50 «Татьянин день».**
11.20 Самбо.
11.50 Шинкиокушинкай каратэ. Ўзбекистон чемпионати.
***
17.00 Футзал. Халқаро турнир. Ўзбекистон - Эрон.
18.20 «Тет-а-тет».
18.50 «Мусиқий тайм».
19.15 «Мониторинг».
19.35 Тяжелая атлетика.
20.05 «Жаҳон шарқ яккакурашлари фестивали».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 «Баркамол авлод».
21.00 Стрельба. Кубок мира.
21.50 На экране детектив «Ограбление по-французки». Художественный фильм.
**23.40** ФУТБОЛ. УЕФА КУБОГИ. «БАВАРИЯ» (ГЕРМАНИЯ) – «ЗЕНИТ» (РОССИЯ).

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ухшаши йук» 121-серия
08.30 Узбек наволари
09.30 Сериал «Замонавий она» 3-серия
10.40 Мировые хиты
11.30 «Кто-то пролетел над гнездом кукушки» худ.фильм
14.05 Узбек наволари
15.00 Сериал «Жассига ухшаши йук» 121-серия
15.30 Baby hits
15.40 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 «ПРЕМЬЕРА» (узб)
18.00 Узбек наволари
18.30 Сериал «ЖАССИГА УХШАШИ ЙУК» 122-серия
19.00 Сериал «ЗАМОНАВИЙ ОНА» 4-серия
20.10 Мировые хиты
20.30 Узбек наволари
21.30 Сериал «24 часа»
22.20 «ОСТРОВ» х/ф
00.50 Миксер

### ОРТ

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.30 «Малахов +»
9.25 «Контрольная закупка»
10.00 «Убойная сила».
11.00 Новости
11.15 «Модный приговор»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Понять. Простить»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 «Бриллиантовое дело». Фильм 2-й
15.00 «Огонь любви».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 «Пусть говорят»
18.10 «След»
19.00 «Принцесса цирка».
20.00 Время
20.30 Евгений Миронов, Николай Фоменко в многосерийном фильме «Апостол». Заключительная серия
21.25 «Человек и закон»
22.25 «Судите сами»
23.15 Ночные новости
23.35 «Доброй ночи»
0.30 Х/ф «Мыс страха»
2.00 Время
2.30 Триллер «Мыс страха». Продолжение
3.10 Мистический триллер «Поверхность»

### РТР

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.55 «Путь к спасению. Русский храм на чужбине».
8.50 «Опера. Хроники убойного отдела».
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.45 «Опера.
11.40 «Долгая дорога в дюнах». 1980г.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 «Мачеха».
14.35 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.00 ВЕСТИ.
16:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.50 ВЕСТИ.
17.05 «Женщина без прошлого». Телесериал.
18.00 «Родные люди».
19.00 ВЕСТИ.
19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Батюшка». 2008
21.50 «Пятая студия»
22.25 «Ревизор».
22.55 «ВЕСТИ+».
23.15 Х/ф «Столкновение»
1.25 «Дорожный патруль».
1.45 «Горячая десятка».
2.45 «Закон и порядок»
3.35 Комедийный телесериал «Война в доме-2» (США).

## ЖУМА 25

### O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавоҳири». **Т/с.**
7.35 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Қайтар дунё». **Т/с.**
9.30 «Изҳор».
9.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
«Болалар сайёраси»:
9.55 «Қизиқарли математика». М/с.
10.15 «Давосиз дард бўлмас». Ҳужжатли фильм.
10.40 «Қорақалпоқнома».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». **Т/с.**
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чеҳраси гул Наманган».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Сўнгги қиролича». **Т/с.**
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Эски альбом».
14.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
14.50 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
15.50 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан. **«Тарих кўзгуси». 2-қисм.**
16.10 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўриқхонанинг тўрт фасли». Премьера.
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Қайтар дунё». **Т/с.**
18.50 «Минг бир ривоят».
18.55 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот». /рус /.
20.10 «Аччиқ ёлғон». **Т/с.**
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Янги наволар».
21.55 «Сўнгги қиролича». **Т/с.**
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
23.10 «Мерос». **Т/с.**

### Ёшлар

**7.00** «Каминанинг оиласи».
7.30 «Тунги парвоз».
8.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Матонат».
9.10 «Қадрдон қўшиқлар».
**9.20** «Алия». **Т/с.**
10.00 «Давр».
10.10 «Ёшлар ила саёҳат».
11.00 «Автопатруль».
11.20 «Соғлик-бойлик».
11.40 «Ёшлар навоси».
**12.00** «Жумонг». **Т/с.**
12.40 «Чемпион».
13.00 «Давр».
13.10 «Тараннум».
**14.00** «Пуаро». **Т/с.**
14.50 «Нафосат олами».
15.00 «Ёшлар майдони».
16.00 «Давр».
**16.10** «Совға». **Б/ф.**
16.45 «Ёшлар симфонияси».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Болалар баҳори».
**18.00** «Каминанинг оиласи».
18.30 «UzEX хабарлари».
18.35 «Мулки мумтоз».
18.55 «Шарқ дарвозаси».
19.00 «Давр».
**19.30** «Алия». **Т/с.**
20.15 «Тафаккур чироғи».
20.20 «Сўнмас юлдузлар».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент оқшоми».
**21.10** «Жумонг». **Т/с.**
21.55 «UzEX хабарлари».
22.00 «Давр».
22.30 «Аёлга таъзим».
22.35 «SMS-мусиқа».
**23.00** «Учар ханжарлар». **Б/ф.**
00.45 «Таскин».

### TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Эсмеральда».
8.55 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Муқаддас кадамжолар».
9.30 «Пойтахт»
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Интервью».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.30 «Пойтахт»
10.40 «Милагрос».
11.10 «Иқтисод - ревью»
11.20 «Моҳир». /рус/.
11.45 Кино: «Западня».
***
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Афиша»/рус/.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Эсмеральда».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Милагрос».
20.50 «Репортаж» /рус/.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт»
21.45 «Уйларим».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.30 «Пойтахт»
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 – 1.00 Кино: «Я, Сэм».

### SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.20 «Мир природы». Документальный фильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Хабарлар» (ўзб)
**9.50** «Татьянин день».
11.20 Самбо.
11.50 Шинкиокушинкай каратэ. Ўзбекистон чемпионати.
***
17.00 Футзал. Ўзбекистон - Қирғизистон.
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 «Новая экономика».
19.20 «Мусиқий тайм».
**19.50** «Спортлото».
**20.00** ФУТБОЛ. ПРЕМЬЕР-ЛИГА. «ДИНАМО» (МОСКВА) – «РУБИН» (КАЗАНЬ)
22.00 «Хабарлар» (ўзб)
22.20 «Аптека слушает».
**23.05** ФУТБОЛ. УЕФА КУБОГИ. «ГЛАЗГО РЕЙНЖЕРС» (ШОТЛАНДИЯ) – «ФИОРЕНТИНА» (ИТАЛИЯ)

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ухшаши йук» 122-серия
08.30 Узбек наволари
09.30 Сериал «Замонавий она» 4-серия
10.40 Мировые хиты
11.30 «Остров» худ.-фильм
14.00 Узбек наволари
14.30 «ПРЕМЬЕРА» (рус)
15.00 Сериал «Жассига ухшаши йук» 122-серия
15.30 Baby hits
15.40 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 Узбек наволари
18.30 Сериал «ЖАССИГА УХШАШИ ЙУК» 123-серия
19.00 Сериал «ЗАМОНАВИЙ ОНА» 5-серия
20.10 Узбек наволари
20.30 «Тунлар муборак»
21.30 Сериал «24 часа»
22.20 «ЛЮДИ ИКС» х/ф
00.20 Миксер

### ОРТ

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.30 «Малахов +»
9.25 «Контрольная закупка»
10.00 «Убойная сила». Многосерийный фильм
11.00 Новости
11.15 «Модный приговор»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Понять. Простить»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 «Похищение «Святого Луки»
15.00 «Огонь любви». Многосерийный фильм
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 «Пусть говорят»
18.05 Поле чудес
19.00 Премьера. «Баловень судьбы Юрий Яковлев»
20.00 Время
20.25 К юбилею Юрия Яковлева. Фильм «Ирония судьбы, или С легким паром!»
23.45 Киану Ривз в фильме «Прогулка в облаках»
1.30 Фильм «Костюмер»
2.00 Время
2.25 Фильм «Костюмер».Продолжение
3.55 Мистический триллер «Поверхность»

### РТР

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.55 «Мусульмане».
8.05 К ЮБИЛЕЮ. «Ирония судьбы Юрия Яковлева».
9.05 «Опера. Хроники убойного отдела».
10.00 ВЕСТИ.
10.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
10.45 «Опера. Хроники убойного отдела».
ТЕЛЕКАНАЛ «БИБИГОН» ПРЕДСТАВЛЯЕТ:
11.40 «Гуси-лебеди». Мультфильм.
12.00 «Голубая планета. Истории океанов». Документальный сериал (Великобритания).
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
ТЕЛЕКАНАЛ «БИБИГОН» ПРЕДСТАВЛЯЕТ:
13.40 «Приключения кота Леопольда», «Летучий корабль». Мультфильмы.
14.35 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.00 ВЕСТИ.
16.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17.05 «Женщина без прошлого». Телесериал.
18.00 «Родные люди». Телесериал.
19.00 ВЕСТИ.
19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Юрмала». Фестиваль юмористических программ.
22.00 Дмитрий Харатьян, Анастасия Зюркалова, Эрик Робертс и Виктор Степанов в фильме «Аврора». 2006г.
0.10 Андрей Ильин, Виктория Исакова, Илья Носков и Александр Лыков в фильме «Целуют всегда не тех». 2005г.
1.40 «Дорожный патруль».
1.55 НОЧНОЙ СЕАНС. Роберт Тэйлор и Дебора Керр в фильме «Камо грядеши» (США). 1951г.

Оила ва жамият + TV
№ 16 (859) 17 апрел — 23 апрел 2008 йил


## ШАНБА 26

### O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Пари момо». **Б/ф. 1-қисм.**
7.35 ТВ анонс.
7.40 «Минг бир ривоят».
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Болалар дунёси».
9.10 «Шифокор қабулида».
9.35 «Мусиқа дунёси».
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 1. «Чинсен». 2. «Маўрит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Аччиқ ёлғон». **Т/с.**
11.55 ТВ анонс.
**12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»**
13.00 «Сўнгги қиролича». **Т/с.**
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Эски альбом».
14.25 «Бекат».
14.50 «Бегона баҳор». **Б/ф.**
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.50 «Минг бир маслаҳат».
18.10 ТВ анонс.
18.15 «Саломатлик сирлари».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». **Т/с.**
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зарифбек Азизов.
22.00 «Кинотақдим».
22.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
22.35 ТВ анонс.
22.40 Жаҳон киноси. **«Оталар».**

### Ёшлар

6.55 «Аждодлар садоси».
**7.00** «Каминанинг оиласи».
7.30 «Тунги парвоз».
**8.00** «Орзулар камалаги». **Б/ф.**
9.10 «Қадрдон қўшиқлар».
**9.20** «Алия». **Т/с.**
10.00 «Давр».
**10.10** «Бардош». **Б/ф.**
11.20 «Сўнмас юлдузлар».
11.40 «Ёшлар навоси».
**12.00** «Жумонг». **Т/с.**
12.40 «Айланай. »
13.00 «Давр».
13.10 «Кўклам эртаги».
**14.00** «Бошсиз чавандоз». **Б/ф.**
15.40 «Келажак овози».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр».
**16.10** «Кўза». **Б/ф.**
16.40 «Чемпион».
17.00 «Ўзбегим либослари».
17.30 «Эверест».
18.10 «Камолот».
**18.20** «Ғаройиб кросс». **Б/ф.**
18.30 «UzEX хабарлари».
18.35 «Мулки мумтоз».
18.55 «Тошкент – 2200».
19.00 «Давр».
**19.30** «Алия». **Т/с.**
20.15 «Тафаккур чироғи».
20.20 «Умр баҳори».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Ватан меҳри».
**21.10** «Жумонг». **Т/с.**
21.55 «UzEX хабарлари».
22.00 «Давр».
**22.30** «Беҳаловат уй». **Б/ф.**
00.20 «Таскин».

### TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Эсмеральда». Телесериал.
8.55 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
9.40 «Аёл қалби».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.30 «Пойтахт» ахборот дастури
10.40 «Милагрос». Телесериал.
11.10 «Репортаж» /рус/.
11.20 Фильм детям: «Гениальные младенцы 2».
12.50 «Афиша»/рус/.
13.00 «Открытая дверь».
13.35 Кино: «Я, Сэм».
15.45 «Қонун доирасида».
16.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
16.30 Кино. «Адвокатлар».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эсмеральда». Телесериал.
19.25 «Мусика SMS».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Тошкентда латифа».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.25 «Мысли вслух».
22.30 «Пойтахт»
22.50 Х/ф «Умница Уилл Хантинг».

### SPORT

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
8.20 «Бодрое утро».
9.20 «Смак».
10.00 «Хабарлар» (рус тилида)
10.20 «Цирк».
**11.50 «Поле чудес».**
**12.40 «Рондо». Шоу программа.**
13.25-13.45 «Рақибингиз гроссмейстер».
***
17.00 Футзал. Халқаро турнир. Эрон-Ўзбекистон миллий терма жамоалари учрашуви. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.50 «Военное дело».
19.10 «Стиль».
19.25 «Мусиқий тайм».
19.50 «Звездный матч».
20.10 «Спортколлекция».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.45 «Антракт».
20.50 «Ринг кироллари».
**21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)**
**21.50** ФУТБОЛ. АНГЛИЯ ЧЕМПИОНАТИ. «ЧЕЛСИ» - «МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД».
23.25 «Вокруг света».

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.30 Мировые хиты
9.30 «Люди икс» худ.фильм
11.30 Узбек наволари
12.00 Baby hits
12.30 Мультфильм
14.30 Мировые хиты
15.30 Узбек наволари
16.30 Семейное кино: «БЕОВУЛЬФ» худ.фильм
18.40 Узбек наволари
19.00 PRIME TIME (узб)
19.30 Узбек наволари
20.30 «ТОП-10»
21.05 Узбек наволари
21.30 «ПРЕМЬЕРА» (узб)
22.00 «ЛЮДИ ИКС-2» худ. фильм
00.25 – 02.15 Другая музыка

### ОРТ

5.00 Новости
5.10 Евгений Киндинов, Зиновий Гердт в фильме «Городской романс»
6.50 «Фазенда»
7.25 «Играй, гармонь любимая!»
8.05 «Слово пастыря»
8.20 «Здоровье»
9.00 Новости
9.20 «Смак»
9.55 Премьера. «Последняя любовь Николая Крючкова»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.15 «Код жизни». Фильм 7-й
12.15 «Ералаш»
12.35 Георгий Вицин,Александр Збруев, Клара Лучко в фильме «Опекун»
14.05 «Вицин, которого мы не знали»
15.00 Василий Шукшин в фильме «Калина красная»
17.00 «Времена» с Владимиром Познером
17.55 «Цирк».Суперфинал
20.00 «Время»
20.25 Х/ф «Кука»
22.10 Премьера. Фильм «Граффити»
0.20 Пасха Христова. Трансляция Богослужения из Храма Христа Спасителя
1.50 Ия Саввина, Олег Ефремов в фильме «Продлись,продлись очарованье...»
3.15 Х/ф «Орел и решка»

### РТР

5.00 «Доброе утро, Россия!».
6.30 «Студия Здоровье».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ
7.20 «Военная программа» Александра Сладкова.
7.45 «Утренняя почта».
8.25 «Субботник».
9.05 «Вокруг света».
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.20 «Формула власти». Шимон Перес - президент Израиля.
10.50 «Очевидное - невероятное».
11.20 ПРЕМЬЕРА. ПЛАНЕТА ПРАВОСЛАВИЯ.
12.15 «Сенат».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.30 РОДНОЕ КИНО. К ЮБИЛЕЮ ЮРИЯ ЯКОВЛЕВА. Лариса Голубкина, Игорь Ильинский и Татьяна Шмыга в фильме Эльдара Рязанова «Гусарская баллада». 1962г.
15.10 «Ты - то, что ты ешь».
16.05 «50 блондинок. Интеллектуальное шоу».
17.05 «Субботний вечер».
19.00 ВЕСТИ.
19.20 Алексей Гуськов, Полина Кутепова, Светлана Иванова, Лидия Вележева, Екатерина Васильева, Александр Баширов и Роман Мадянов в фильме «Отец». 2007г.
20.50 Тамара Акулова, Олег Малахов, Юлия Пересильд и Шамиль Хаматов в фильме «Невеста».
22.10 Светлана Крючкова в фильме «Старший сын». 1976г.
0.20 «Пасха Христова». Прямая трансляция Пасхального богослужения из Храма Христа Спасителя.
1.50 Алексей Демидов в фильме «Софи». 2007г.
2.45 «Старицкий монастырь».
3.20 «Путь к спасению. Русский храм на чужбине».
4.05 «Комната смеха».

## ЯКШАНБА 27

### O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Пари момо». **Б/ф. 2-қисм.**
7.35 ТВ анонс.
7.40 «Минг бир ривоят».
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.35 «Бизнинг кутубхона».
8.45 «Кулол ва хумча». **Б/ф.**
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Ҳандалак». Ҳажвий кўрсатув.
10.45 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.25 «Аччиқ ёлғон». **Т/с.**
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «КиноТеатр».
**13.25 Такрор намойиш:** «Сарой жавоҳири». **Т/с.**
15.20 «Заковат».
«Болалар сайёраси»:
16.15 «Алпомиш». М/ф.
17.15 ТВ анонс.
17.20 «Чимилдиқ«. **Б/ф.**
18.35 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
19.05 «Ёшлик таронаси». Алижон Исҳоқов.
19.25 , 20.00, 20.55 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома». / рус/
20.05 ТВ анонс.
20.10 «Оҳанрабо».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Таҳлилнома».
21.40 «Азизим».
22.10 «Кўҳна оҳанглар».
22.35 Жаҳон киноси дурдоналаридан. **«Қўғирчоқлар». Премьера.**

### Ёшлар

6.55 «Аждодлар садоси».
**7.00** «Уч бақалоқ». **Б/ф.**
8.30 «Рўзғор мактаби».
9.00 «Якшанба нонуштаси».
**9.20** «Алия». **Т/с.**
10.00 «Ватанпарвар».
10.50 «Келажак овози».
11.00 «Тараннум».
11.50 «SMS-мусиқа».
**12.00** «Жумонг». **Т/с.**
12.40 «Journal».
13.00 «Болалар давраси».
**13.30** «Ўрмон аҳли». **М/ф.**
14.50 «Тошкент таронаси».
**15.00** «Семурғ». **Б/ф.**
16.10 «Чемпион».
**16.30** «Денгиз ҳукмдори».
18.40 «Ёшлар навоси».
18.55 «Шарқ дарвозаси».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Акс». Ток-шоу.
20.10 «Дунё таомлари».
20.30 «Келажакка интилиб».
21.00 «Ёшлар парвози». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оғабек Собиров.
21.30 «KINOMANIYA».
**22.00** «Анойи одам». **Б/ф.**
23.30 «Тунги парвоз».

### TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Эсмеральда». Телесериал.
8.55 «Телекурьер - маркет».
9.20 «Афиша».
9.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
9.45 «Истеъдод».
9.55 «Мусиқа SMS».
10.25 «Биласизми?»
10.30 «Пойтахт»
10.45 Мультфильм
12.20 «Мысли вслух».
12.25 «Телекурьер-маркет».
12.45 «Дорихона эшитади». /рус/
13.30 Индийское кино: «Я вижу тебя» 1-2-сери. /Премьера/.
15.35 «Саргузаштлар ороли».
16.00 Кино: «Чавандоз».
17.35 «Телекурьер - маркет».
17.55 «Тошкентда латифа».
18.00 «Жозиба».
18.35 «Фаровонлик бекати».
18.50 «Нима учун?»
19.35 «Телекурьер-маркет».
20.00 «КИНОТАҚДИМ».
20.25 «Туризм ҳақида» /рус/.
20.55 «Мысли вслух».
21.00–23.05 Кино SMS со звездами: «Венера».
«Парк Юрского переода».
«Один прекрасный день».

### SPORT

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
8.20 «Бодрое утро».
9.20 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар» (рус тилида)
10.25 «Фазенда».
11.00 «Две звезды».
**12.50** ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ.
«Нефтчи» -»Машъал».
«Насаф» - «Андижон».
**14.20–15.20** «ПрофРИНГ».
***
**17.55** ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «ПАХТАКОР» -»МЕТАЛЛУРГ»
19.50 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
20.20 «Спорт уик-энд».
20.50 «Мусиқий тайм».
21.10 «Тайм-аут».
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.10 ФУТБОЛ. ЧЕМПИОНАТ ИТАЛИИ. «ЮВЕНТУС» - «ЛАЦИО» прямая трансляция.

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.30 Мировые хиты
09.00 Prime time (узб)
09.30 «Люди икс-2» худ. фильм
12.00 «Baby Terra Landiya»
12.30 Мультфильм
14.30 Сериал «Жассига ухшаши йук» 119-123 сериялар
16.40 Узбек наволари
18.00 Мировые хиты
19.00 PRIME TIME (рус)
19.30 Узбек наволари
20.30 «КИНОКУРЬЕР»
21.00 Узбек наволари
21.30 «ПРЕМЬЕРА» (рус)
22.00 «ЛЮДИ ИКС-3» худ.фильм
00.00 Миксер

### ОРТ

5.00 Новости
5.10 Евгений Лазарев, Георгий Вицин в фильме «Василий Суриков»
6.45 Документальный фильм
7.40 Служу Отчизне!
8.10 «Умницы и умники»
9.00 Новости
9.20 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.40 «Пока все дома»
10.25 «Фазенда»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 «Ералаш»
11.40 «Баловень судьбы Юрий Яковлев»
12.35 Юрий Яковлев в фильме «Идиот»
14.45 Документальный фильм
15.15 Александр Балуев, Екатерина Гусева в многосерийном фильме «Охота на Изюбря»
17.00 Футбол. Чемпионат России. VII тур. «Спартак» - «Москва». Прямая трансляция
19.05 «Две звезды»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.50 «Две звезды». Продолжение
22.10 Что? Где?Когда?
23.35 Билл Мюррей в комедии «День сурка»
1.20 Всеволод Абдулов, Анатолий Кузнецов, Александра Завьялова в фильме «Ждите писем»
2.55 Мистический триллер «Поверхность»

### РТР

4.50 Людмила Хитяева, Николай Лебедев, Валентин Зубков, Иван Рыжов и Владимир Ивашов в фильме Татьяны Лиозновой «Евдокия». 1961г.
6.30 «Сельский час».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7.20 «Диалоги о животных».
7.55 «Вся Россия».
8.10 «Комната смеха».
9.05 «Сам себе режиссер».
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
10.50 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
11.20 «Сто к одному». Телеигра.
12.15 «Парламентский час».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.30 «Фитиль №175». Сатирический тележурнал.
14.15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14.50 «Честный детектив».
15.20 ПРЕМЬЕРА. «Смеяться разрешается». Юмористическая программа.
17.15 ПРЕМЬЕРА. «Танцы со Звездами». Сезон-2008.
19.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
20.05 «Специальный корреспондент».
20.30 Николай Смирнов в фильме «Счастье мое». 2007г.
22.25 «Сто причин для смеха». Семен Альтов.
22.55 МИРОВОЕ КИНО. Шон Пенн и Мишель Пфайффер в фильме «Я - Сэм» (США). 2001г.
1.30 Кайл МакЛахлан в фильме «С тобой и без тебя» (США). 2001г.
3.15 НОЧНОЙ СЕАНС. Алек Болдуин в телесериале «Серая форма» (США). 1986г.

Рассом — А. Ҳакимов



Сўзсиз сурат

Изоҳга ҳожат йўқ




Изоҳга ҳожат йўқ




*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o‘z suvratingiz bilan birga bizga jo‘nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o‘qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog‘ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*



**Shoxrux SHOKIROV.**
**Toshkent shahar, Sirg‘ali tumanidagi 277-maktabning 1 «A» sinf o‘quvchisi.**



**Umida ABDURASHIDOVA.**
**Toshkent viloyati, Toshkent tumanidagi 22-maktabning 6 «A» sinf o‘quvchisi.**





**Sevaraxon ALIMUHAMMEDOVA.**
**Toshkent shahar, Mirzo Ulug‘bek tumanidagi 248-maktabning 3 «B» sinf o‘quvchisi.**

**KO‘KLAM**

*Ariqchada suvlari bilan,*
*Yurtimizga keladi bahor.*
*Uni ko‘rib quvonganidan,*
*To‘lib-toshib oqadi anhor.*

*Axir uning o‘zanlariga,*
*Shi irmoqlar quvvat beradi.*
*Menga o‘xshash qizaloqlar huv,*
*Qirga chqib gullar teradi.*

*Gulchambarni peshonangizga,*
*Taqib qo‘yay yaqinim, o‘rtoq.*
*Quyoshning nur hayotin ichib,*
*Yuragimdek yashnaydi o‘tloq.*

**Zuhra SOLIHOVA.**
**Toshkent shahri, Yunusobod tumani, 97-maktabning, 9-sinf o‘quvchisi.**



**BAHORIM**

*Vatanimga bahor kelibdi,*
*Sayroqi qushlar gulga qo‘nibdi.*
*Shirin uyqusidan uyg‘ondi hamma,*
*Chumoli va boshqa asalarilar.*

*Daraxtning gullari ochilibdi-ku,*
*Qirdagi lolalar ochilibdi-ku.*
*Tabiat gullari ochilibdi-ku,*
*Bahorim keldi, keldi bahorim.*

*Hamma yoq yam-yashil,*
*Ochilgan gullar.*
*Faqat bu bahordan,*
*Ketgan qarg‘avoy.*

**Shohsanam O‘ROLOVA.**
**Samarqand viloyati, Qo‘shrabot tumani, Sho‘rcha qishlog‘i, 44-maktabning 8-sinf o‘quvchisi.**



**Aziza UBBINIYAZOVA.**
**Toshkent viloyati, Chirchiq shahridagi 13-maktabning 6 «V» sinf o‘quvchisi.**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### БАРОККО ДАВРИДА ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАР

XVII асрда тажрибаларга ва математик таҳлилларга асосланган янги илмий услуб пайдо бўлади. Шундай қилиб, эскича қарашларга, урф-одатларга ва хурофий фикрларга қарама-қарши бўлган замонавий фаннинг тамал тоши қўйилади. Галилей, Декарт ва Ньютон замонавий фаннинг асосчилари ҳисобланишади.

Италиялик Галилео Галилей ўз кашфиётлари билан польшалик олим Коперникнинг Ер ва бошқа сайёрлар Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги назариясини илмий жиҳатдан исботлаб берди. Ўзи кашф этган телескоп ёрдамида у Юпитер сайёрасининг тўртта йўлдошини, Сатурн сайёрасининг атрофида ҳалқа борлигини, Қуёш юзидаги доғларни ва Ой рельефини очишга муваффақ бўлди.

Франциялик файласуф Рене Декарт "Услублар ҳақида мулоҳазалар" асарида ҳақиқий илмий инқилобнинг йўналишларини ҳамда ҳақиқатни излашда тажриба ва онгнинг бирламчилигини белгилаб берди.

Англиялик олим Исаак Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни ва физика соҳасидаги бошқа бир қатор кашфиётлари фаннинг тараққиётида янги даврни бошлаб берди, дейиш мумкин.

### МАЪРИФАТ НИМА?

XVIII аср кишиларининг маданияти ва мафкураси маърифат, бу давр эса Уйғониш даври деб аталади. Уйғониш даврида онг, фикрлаш қобилияти инсонни бошқа жонзотлардан фарқлаб турувчи асосий сифат дея баҳоланган. Маърифатчилар инсон онги билишнинг асосини ташкил этади, деб ҳисоблашган. Онгдан ташқари эркин ва танқидий маънавиятга ҳам эришиш мумкин.

Бу ғоя тарихда Ёруғлик даври деб ном олган буюк ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Унга бундай ном берилишига сабаб ўзидан олдинги даврларнинг хурофотга асосланган удум, одат ва қарашларини ақл ва онг воситасида инкор этарди.

Бу ҳақда XVIII асрнинг машҳур файласуфи Дени Дидро (Франция) шундай деган: "Бизнинг асримиз фикрлаш, бошқача айтганда онг асридир".

### УЙҒОНИШ ДАВРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ҒОЯЛАР

Уйғониш даври замонавий дунёнинг асосини ташкил этувчи айрим ғояларни амалга киритди. Масалан, Чезаре Беккариа ўзининг айбсизлик презумпцияси ва қийноқларни бекор қилиш ҳақидаги назарияларида замонавий жиноят ҳуқуқининг асосларини белгилаб берди.

Англиялик иқтисодчи Адам Смит эса иқтисодий назариянинг айрим фундаментал назарияларини, хусусан эркин рақобат принципини биринчи бўлиб илгари сурган эди.

Франциялик файласуф Монтеське давлатда ҳокимиятнинг учга, яъни бошқарув, қонун чиқарувчи ва ҳакамларга бўлиниши, швейцариялик файласуф Жан Жак Руссо эса барча кишиларнинг ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенглиги ғояси билан чиқишганди.

### УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ

XVIII аср бошларига келиб барокко санъати урфдан қола бошлади. Маърифатчилар уни замон билан ҳамнафас эмаслиги учун кескин танқид қилишарди. Уларнинг фикрича, санъат инсоннинг ахлоқи ва онгини шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

Тез орада неоклассицизм (янги классицизм) деб номланган услуб пайдо бўлди. Бундай номланишига сабаб у маърифатчиларнинг санъатга оид ғояларига яқин бўлган классик(мумтоз) санъат илдизларига асосланган эди.

Худди уйғониш даврида бўлгани каби неоклассицизм оқимига мансуб рассомлар, ҳайкалтарошлар ва меъморлар ҳам гўзалликни қадимги Рим ва Юнон анъаналари асосида талқин этишарди. Ўз асарларида улар барокко санъати услубларидан буткул воз кечишди.

### УЙҒОНИШ ДАВРИ ИЛМ-ФАНИ

Маърифатчилар фанларни ўрганишга жуда катта эътибор беришарди. Улар фаннинг деярли барча соҳалари, айниқса, кимё ва биологиянинг тараққиётига улкан ҳисса қўшишди.

Франциялик олим Лавуазьенинг саъй-ҳаракатлари боис кимёга жодугарлик воситаси деб эмас, балки фан сифатида қарай бошлашди. Швециялик олим Карл вон Линней эса ҳайвонлар ўсимлик-



ларни таснифлаш тизимини ишлаб чиқди. Инглиз тиббиётчиси Эдуард Женнер чечакка қарши даво воситасини ихтиро қилди. Немис олими Александр вон Гумбольт Жанубий Америкага сафари чоғида ўз ҳамкасб дўсти Айме Бонпланднинг ёрдамида бу ҳудудда ўсадиган турли ўсимликларни таснифлаб чиқди.

Маърифатчи олимлар томонидан кўплаб машиналар ҳам кашф этилган, чунки улар фан одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилишга хизмат кўрсатиши лозим, деб ҳисоблашарди. Шундай ихтиролардан бири буғ машинаси бўлиб, унинг яратилиши оламни ўзгартириб юборди. 1769 йилда буғ машинаси Жеймс Ватт томонидан такомиллаштирилади.

### УЙҒОНИШ ДАВРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

XVIII асрдаги айрим монархиялардаги давлат бошқаруви маърифатли деспотизм деб аталарди. Гарчи маърифатли деспотизм жамиятда айрим ислоҳотларни амалга оширса-да (давлат бошқарувини такомиллаштириш, саноатни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши суръатларини ошириш), амалда ҳар доим қиролнинг мутлоқ ҳокимиятини қўллаб-қувватлар эди. Бошқача айтганда жамият сиёсатда ва давлатни бошқаришда иштирок этмас, бутун ҳокимият қиролнинг қўлида тўпланганди.

Қуйидагилар ўз даврининг энг маърифатли подшолари саналишади: Испанияда Карл III, Австрияда Мария Тереза, Россияда Екатерина II, Пруссияда Фридрих II.

**ДАРМОН тайёрлади.**

**Турмуш сабоқлари**

# У КУНЛАР...

Урушнинг охирги йиллари... Бутун мамлакатдаги кучлар фронтга сафарбар этилгач юртда қаҳатчилик эди. Ҳатто олтинга ҳам бир бурда нон топилмайдиган дамлар. Катта-ю кичикнинг хаёлида, тилида, дилида бир сўз - тезроқ уруш тугасайди. Тезроқ бу оғир кунлар ўтсайди. Тезроқ бу адоғи кўринмас қаҳатчилик барҳам топсайди. Урушга гуррос-гуррос кетган йигитлардан қорахат келмайдиган кунлар бормикан?

Одамларнинг тинка-мадори қуриган, очарчилик, ваҳима, қўрқув, айрим минг бир баҳонаю сабаб билан урушдан қолганларнинг зўравонлиги етмагандек Ургут туманининг Янгиқишлоқ, Ғойибота, Қалдирғочжар қишлоқларида бир-биридан ваҳимали хабарлар тарқалди. Эмишки бир нечта одамсимон, ҳамма ёғини жун қоплаган ҳайбатли, бадбашара маҳлуқ тоғларда яшириниб кўча-кўйда ёлғиз юрган одамларга, айниқса болаларга, кечалари эса қишлоқларга оралаб одам овлаб тутгани-ни тоғларга олиб бориб еяётганмиш. Қалдирғочжар қишлоғининг нариги тарафидан қирнинг ортида ёш болаларнинг ғажиб ташланган суяклари топилган эмиш. Бу улкан маҳлуқот фақат одам овлармиш. Қўй-қўзи, мол-ҳол билан унчалик иши йўқмиш.

Бу миш-мишлар кўп ўтмай ўз тасдиғини топа бошлади. Ҳозир 78 ёшдаги онамнинг аммаларини ўғли ўз тенгқурлари билан 5-6 бола бўлишиб қўлларига тешача-пичоқ олишиб қишлоқдан анча олисдаги қирга еса бўладиган ўсимлик илдизидан теришга кетишган. Албатта, тўқчиликдан эмас, емоқ учун ҳеч вақонинг йўқлигидан, очликдан томир теришга боришар экан. Шўрлик гўдаклар озиб-ҳориб топган томирларини чала-чулпа тозалаб, оғизларига солиб чайнашар экан. Каттароқ томир топганлари бир-бирига мақтаниб ишларига шунчалик берилиб кетишибдики, ахир, уйларига ҳали томир олиб боришса оналари қанчалик севинади. Бир пайт болалардан бири узоқдан ўзлари томонга гоҳ тўрт оёқлаб, гоҳ тик туриб югуриб келаётган ҳайвонми, одамми экани номаълум бир маҳлуқни кўриб қолибди. Болалар бу югуриб келаётган нима эканига ақллари етиб-етмай терган томирларини чала-чулпа қўйниларига солиб, додлаганча қишлоқ томонга чопа бошлашибди. Болалардан Қосим деганининг тешаси югуриш давомида тушиб қолган экан, орқасига қайрилиб тешасини олгунча ўртоқларидан беш-олти қадам орқада қолибди. Шу-шу гурсиллаб чопиб келаётган жундор маҳлуқ Қосим шўрликка ташланиб бир ҳамла билан болани кўтариб тоғ томонга югуриб кетибди.

Қишлоққа етиб ҳам қўрқувдан, ҳам очликдан силласи қуриган болалар одамларни, Қосимни ота-онасини топиб, хабар бергунча маҳлуқ кўздан йўқолибди. Орадан бир неча кун ўтиб қўшни қишлоққа қоқ ярим кечаси келган маҳлуқ бекитиб тамбаланган эшикни бир зарб билан бузиб ўринда ухлаб ётган болани кўтариб қочибди. Уй эгасининг "вой-дод, мусулмонлар ёрдам беринг, боламдан айрилдим", деган фарёдидан уйғонган одамлар фонус, чироқ ёқиб ақл-хушларини йиққунча, уйларидан калтак, шох олиб келгунча маҳлуқ тун зулматига сингиб кетибди.

Тоғ этагидаги қишлоқларда, дашт қишлоқларида одамлар девор нималигини билишмайди. Ҳозиргидай электр чироқлари қайда дейсиз. Фонус, чироқларни туни билан ёқиб қўйишга керосин қайда. Уруш йиллари, қаҳатчилик йиллари. Шу воқеадан кейин анча вақтгача маҳлуқдан дарак бўлмабди.

Онамнинг холалари Иқлима опанинг эри фронтда экан. Иқлима опа куни бўйи колхоз ишидан чарчаб толиқиб қоларкан. Ишга яроқли эркакларнинг бари фронтда бўлса. Колхоз, хўжалик ишларининг ҳаммаси қари-қартангларга, аёлларга қолган бўлса, ёз чилласида дам эшик-деразани бекитиб уйда, захда бургага таланиб ётиш ҳам жонимга тегди, тўйдим шу дунёни ишларидан, эримдан 7 ойдирки хат-хабар йўқ, ер ютгур одамхўр маҳлуғи келса, болаларимга тегмай эчкини олиб кетар, деб супага жой қилибди ва икки ўғлини ёнига олиб ётиб, бошига биттаю-битта эчкисини боғлаб қўйибди-да, уйқуга кетибди шўрлик аёл. Бир маҳал уйғониб қарасаки, катта ўғли ёнида йўқ, эчки эса бошига боғланган кўйи турган эмиш. Жон ҳолатда ўрнидан турган аёл ҳамма ёқни қараб чиқибди, ўғли ҳеч жойда йўқмиш. Бечора худони зорини қилиб йиғлабди, урушни, замонни қарғаб бошини ерга уриб, деворга уриб йиғлабди, сочларини юлиб йиғлабди. На илож, одамхўр маҳлуқ эса эчкига тегинмай болани олиб кетган экан!

Шундан кейин қишлоқнинг чўлоқ оқсоқоли (фронтдан чўлоқ бўлиб келган экан) одамларни қари-қартанг, қиз-аёллар, болаларни йиғиб: "Шу кундан эътиборан ҳамма томга чиқиб ётсин, ҳамма ўзи билан калтак, паншаха, болта, темир-терсак олиб ётсин, навбати билан ухласин, кимда-ким маҳлуқ келганини сезган заҳоти узун ходага осиб қўйилган товоқларни уриб дарҳол шовқин солиб одамларни уйғотсин, ҳамма ўзини-ўзи ҳимоя қилсин, бу ҳам бир фронт, бутун қишлоқ оёққа турсин", деб буйруқ берибди. Шундай қилишибди ҳам. Бир аёл кечаси йиғлаган боласини томдан туриб пастга тўсаётса, пастда кўзлари ёниб турган маҳлуқ бир сакраб болани юлиб олишига бир баҳя қолибди. Аёлгина жон ҳолатда тешик тоғорани уриб дод солиб бола-чақасини, бутун қишлоқни уйғотибди. Маҳлуқ эса қоронғуда кўздан ғойиб бўлибди.



Ўша одамхўр махлуқ ўша мудҳиш уруш йиллари жуда кўп одамни ёстиғини қуритган экан. Онамнинг айтишларича қишлоқда Сафарали деган йигит бор экан. Шу йигит қайсидир нуқсони учун урушга олинмасаям, фронт орқасида шундай фидокорона меҳнат қилар экан-ки, бир ўзи уч-тўрт кишининг ишини бажариб майдон-майдон ғаллани ўриб, донини ажратиб, фронтга жўнатишда жонбозлик кўрсатар экан. Шу йигит не азобда яхши кўрган қизига уйланибди. Шу уруш пайтида одамларни кўнглига тўй сиғармиди, номига тўй қилиб уйланганига эндигина 4 ой бўлган экан. Бир куни Сафарали, - мен чойхонага боришим керак, сен эҳтиёт бўлиб ўтиргин, тез қайтаман деб шошилинч чойхонага кетибди. Ўшанда 45-йилнинг апрель-март ойлари экан. Келинчак ҳовли супурибди, кўзи ожиз қайнонасига овқат сузиб бериб, жойини тўшаб берибди. Қозон-товоқни ювиб, молҳолга қараб оғил эшикларини бекитибди. Ҳамма ишларини қилиб бўлгач ўз келинлик уйига кириб дарчани маҳкам танбалабди. Деразаларни бекитиб, ўзи анчадан буён тикаётган каштасини олиб, чироқ ёруғида тика бошлабди.

Худди шу пайт келинлик уйдаги тахмон томонга қоқилган катта кашта қимирлаб бўғиқ, ғалати овоз чиқибди ва бирдан кашта қимирлаб ўша одамсимон жундор маҳлуқ келинчакка ташланибди...

Бир маҳал хотинидан хавотир олган Сафарали уйига келиб эшикни тақиллатибди. Хотини эшикни ҳадеганда очмагач, ҳайрати ошиб отини айтиб чақирса ҳамки, овоз бермасмиш. Қари кампир онасидан сўраса, шу ерда-уйда, дермиш. Хотин эшикни очиш ўрнига уйдан ғалати овозлар чиқармиш. Ҳайрон бўлган йигит, хотинимнинг ўйнаши бор экан, чироқниям ўчириб олибди, деб ўйлабди ва қўлга тушмаслик учун эшикни очмаяпти деган ўйда қўшниларни чақириб келибди. "Ана энди кўрадиганингни кўрасан мендан", - деб одамларга эшикни бузишни буюрибди. Одамлар ҳам, яхшиликча эшикни очишни илтимос қилишса ҳам жим эмиш. Шундан кейин эшикни бузишга киришибди. Беш-олти киши бўлишиб даҳлиз эшигини бузишиб ичкарига кирар-кирмас, баҳайбат жундор одам ўзини эркаклар тўдасига уриб бир нечтасини йиқитиб ўкириб қоронғулик қаърига кириб йўқолибди.

Ҳам қўрқувдан, ҳам ҳайратдан хуши бошидан учган эркаклар уйга киришиб чироқни ёқишса-ки, шўрлик келинчакнинг еб ғажиб ташланган гавдаси чала тикилган кашта билан битта бўлиб қонга бўялиб ётган экан. Бечора Сафаралининг дод-фарёди еру-кўкни тутибди. Одамхўр маҳлуқ қоронғу тушганидан фойдаланиб, келинчак ташқарида, ўчоқ бошида куймаланиб юрганида, ёз пайти эмасми, очиб қўйилган эшикдан ичкарига кириб каштанинг орқасига бекиниб турган экан.

Бу орада миллион-миллион одамларнинг ёстиғини қуритган манфур уруш тугаб, одамлар оч-наҳор, аламзада бўлсада, бир оз эркин нафас ола бошлаган даврлар экан.

Шундан кейингина жуда кўп одамларнинг арз-додига мувофиқ ҳукумат одамлари ушбу одамхўр маҳлуқ изидан тушиб, уни ярадор қилиб тутишга муваффақ бўлишибди.

Маълум бўлишича, бу одамсимон одамхўр маҳлуқлар уруш туфайли ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳайвонот боғидан очлик туфайли қафасни бузиб, тоққа қочиб яширинган улкан одамсимон "Горилла", "Шимпанзе" маймунлари экан. Қаранг-а, уруш туфайли одамлар бошига тушган шунча кўргуликлар, очарчилик, қаҳатчилик, жудолик, йўқчиликлар етмагандек, фронт орқасидаги мисли кўрилмаган оғир, тинимсиз меҳнат етмаганидек, очлик туфайли ҳайвонот боғидан қочган маймун ҳам шўрлик одамлар бошига шунча кўргуликлар солибди.

Урушнинг охирги йилида онамнинг катта акаси Холмўминдан ҳам қора хат келибди. Шунча азоблар устига бу жудолик, очарчиликдан силласи қуриган онамнинг оталари Аҳрор бобом оиласини олиб, Ургут туманидан Тайлоқ туманининг Боғизоғон қишлоғига очликдан ўлмаслик мақсадида кўчиб келишибди. Урушдан ногирон бўлиб қайтган отажонимга қизлари-15 ёшли Махфиратни (менинг онам ҳозир ҳаёт, 78 ёшда) никоҳлаб беришибди. Ҳарна битта нонхўр камайибди. Раҳматлик отажоним тўйга атиги биттагина қўтир така-эчки берибди. Келин-куёвнинг "уйлари" колхоз чайласи, остларида эски пўстак, кўрпа қаёқда дейсиз, отамнинг урушдан кийиб келган шинелларини ёпиниб, эр-хотин қўш ҳўкиз деганларидек 9 ўғил-қизни вояга етказдилар. Онамнинг оталари Аҳрор бобом элу-юрт тинчигач ҳаёт сал-пал изга тушгач яна ўз юртларига-Ургут туманининг Ғойибота қишлоғига бола-чақасини олиб кўчиб кетибдилар.

Ўша оғир йилларни эсласам, ҳам мудҳиш уруш туфайли эридан айрилган, ҳам боласини маҳлуққа олдирган, бутун умри оғир меҳнат, азоб-уқубат билан яхши кунларни кутиб, армон билан 1978 йилда дунёдан ўтган онамнинг холалари Иқлима холани эсласам, уч ўғилдан биронтасиям урушдан қайтмаган Ойимхон момолар тортган жабру-жафоларни (эриям урушга кетган) эсласам, ҳозирги айрим одамларнинг кўпчиликдан, тўқчиликдан, мўл-кўлликдан нима қилишни билмай, ҳатто ўртаҳолроқ қўшнисининг тўйидаги дастурхондан ул-бул ейишга-да ор қилиб чимирилиб ўтирадиган сатанг бойвучча аёлларни кўрсам ёниб кетаман! Пулининг кўплигидан ён қўшнисининг қийин аҳволда қолганини кўриб ҳам 4-5 сўм ёрдам беришга фаҳми етмайдиган бефаросат бойваччаларни кўрсам ёниб кетаман! Ё эрини, ё ота-онасини пули кўплигидан нима қилишини билмай, кўкраги, қорни, сонларини очиб олиб кўчаларда мақсадсиз, маънисиз сақич чайнаб юрган, алламбало чала-чулпа, на рус, на ўзбек, на инглизча тилда гапирадиган қиз-жувонларни кўрсам ёниб кетаман. Бу ёруғ дунёга келиб 9 ёшида гориллага ем бўлган Қосимжонларни ўйлайман. Уруш туфайли қирчинидан қайрилган минг-минглаб чимилдиқ кўрмаган алп йигитларни ўйлайман. Тўйларида, айниқса Тошкент тўйларида қиз томон куёвнинг уйини керак-нокерак мебель-себелга, яна қанчалаб сарпо-суруқ, кило-кило тилла тақинчоқ, бунинг устига 80 тами, 90 та тоғора қилиб тўлдиришини ўйласам эсим оғай дейди. Шунча тарақа-туруқ билан яна камчилигини топишиб ғийбат ҳам қилишларини эшитсам ҳайрон қоламан! Нима фикрга боришни-да билмайман!

Ахир, биз яшаб турган бу Ватан, бу замон нақ жаннат-ку! Одамлар, сизу-биз юриб турганимиз учун, ҳар куни худо берган ризқимизни ошаб турганимиз учун шукр қилмоқни қачон ўрганамиз? Бизнинг нолишга ҳаққимиз йўқ, одамлар! Ҳозирги айрим бойлар (мени кечиринглар-у) қасрмонанд уйлар қуриб эшик, деразаси ромигача тилладан қилганлари етмагандай, бешикдаги боласи у ёқда турсин ҳатто келинининг қорнидаги гумонасигаям ер сотиб олиб, ҳайҳотдай дарвоза ўрнатиб атрофини девор билан ўраб олаяпти. Яна денг бир эмас, иккита эмас, 9-10 талаб участкаси борлар бор!

Борадиган еримиз икки қулоч ер бўлса-ю, у дунёга 1 та ёстиқ олиб кетмасагу бунча асаса-ю дабдабанинг кимга кераги бор! Шундай экан бас, борига шукр қилайлик. Тинч-замонага, дориламон кунларга шукр қилайлик ахир, шоир айтганидек: - Бу кунларга етганлар бор-етмаганлар бор!!!

**Саломатхон МАМАТҚУЛОВА**
**Самарқанд вилояти,**
**Тайлоқ тумани.**

*Ёмонга яхши бўл, шунда енгасан...*

# ОВСИНЛАР

Бугун Дилнура келади. Тўғруқхонадан бу сафар бир эмас, икки гўдакни бағрига босиб, юзи кундан-да ёруғ бўлиб қайтади. Қизчасининг шод қийқириқлари билан файзли хонадони янада қувончга тўлиб, эгизакларнинг ингалари ҳовлида садо беради. "Болали уй бозор, боласиз уй..." Сабоҳат охирги сўзни ҳатто идрокида ёд этгиси келмади. Гўё шу сўзни ўйлаши билан ҳувиллаган серҳашам хона ўпқондек қаърига тортиб кетадигандай. Беихтиёр эти жунжикди. Тақдир унинг устидан куляпти, ҳа, мазаҳ қиляпти. Унга битта тирноқни раво кўрмасдан, овсинига қўш-қўш фарзанд беряпти. Нега, нима учун?! Нега айни ўйнаб-куладиган ёшида мана бу олтин қафасда бахтдан мосуво, бағрихун бўлиб ўтирибди? У шунга лойиқмиди? Ахир эрка, тамтам келин эди-ку! Ёки гуноҳлари шунчалик кўпмиди? Сабоҳат изтироблар пўртанаси етовида анча олис, бундан беш йил илгари бахтиёр кунларига қайтди...

...Улар Учтеракдаги битта хонадонга бир қунда келин бўлиб тушдилар. Дилнура ва Сабоҳат ака-ука эгизакларга умр йўлдош бўлишди. Яхши ниятда Ҳасан-Ҳусанларга бирга тўй қилган катталар бундай ҳурсандчиликнинг бир нозик томони борлигини ўйлашмаганди: иккала келиннинг икки хил тупроқ ниҳоллари эканлиги тўй куниёқ намоён бўлди. Дилнуранинг либоси сипогина, узатиб келган қариндош-уруғи ҳам камтарин, сепи бироз ғариброқ эди... Шаҳарлик келин Сабоҳат эса учтеракликларни лол қолдирди – маликалардек ороланиб, қўғирчоқдек дугоналарию зеб-зийнатга бурканган амма-холалари билан кириб келди. Оврупача мебелларини туширгунча куёв жўралар қаро терга ботдилар. Йўқ, бу фожеа эмасди аслида, муҳими ёшлар бахтли бўлишса бас. Лекин зоҳирий тафовут бора-бора чуқурлашиб, яққоллашиб, Дилнуранинг фожиасига айланди. Бунга эса Сабоҳат... ҳа, Сабоҳат сабаб бўлди! Буни тан олиш қанчалар қийин бўлмасин, у ҳозир шу ҳақда ўйларди. Нақадар аччиқ ҳақиқат, заҳар-заққум... лекин рости шу. Ахир аввал бошдан Дилнурани менсимади, ўзининг ундан устун эканлигини ҳар лаҳза билдириб туришни истарди. Нима сабаб? Бу саволга ўзида ҳам тайин жавоб йўқ. Балки қишлоқ ҳаёти унга ёқмагани, рўзғорда қўлидан ҳеч иш келмаслиги билиниб қолгани ва ёки шунга ўхшаш, унинг ялтироқ орзуларига зид айрим нарсалар учун аламини олиш, жуда унчалик бўлмаса ҳам, ўзини овутиш учун оми овсинини хўрлагандир. Хўрлаган? Ҳа, бу хўрлаш эди. Дилнурани кўз очирмади. "Мен бунақа ишларни билмайман" деб, тандир-ўчоғу сигир – бузоққа яқин бормади. Қўли косов, сочи супурги овсинини ҳали "сиздан таппи ҳиди келяпти" деб изза қилса, ҳали бирон нарсани суриштирганида: "Сиз барибир тушунмайсиз, менинг ақлим зўрға етяптию", - деб мулзам қиларди. Қайнонаси ҳам кўпинча "зоти тоза" келинини авайларди. Дилнурани қанча оёқости қилишди! Зуваласи нимадан қорилган экан бу қизнинг, шу пайтгача "миқ" этмади-я! Қандай чидади, нимани кутди, нимасига ишонди?!...

Аслида, Дилнуранинг бардоши бир марта панд берган, бу ҳақда Сабоҳат билмайди. Ўшанда Дилнура туғилган кунида йўқлаб ойиси олиб келган гулдор ҳаворанг кўйлакни кийиб ошхонага чиққанди. Танноз овсини одми фасонда ҳиёл кенгроқ тикилган кўйлакка беписанд қараб: "Қуллуқ бўлсин, яхши экан. Лекин мен пенсияга чиққанимдаям бунақасини киймасам керак", - деб устидан кулганди. Яна орқасидан: "Хафа бўлиб юрманг тағин, ўзизга ёқса бўлдида, менинг қаричим бошқа", деб қўшиб қўйган. Дилнура уйга қайтиб киргач, ойисига олиб келган кўйлагингиз ундоқ экан, бундоқ экан деёлмагану, аламдан юраги ёниб, биринчи марта кўз ёш қилиб ҳаётидан арзланган.

- Сиқилдим дейсан, нимага, очиқроқ айт, -дея суриштира кетган ойиси. – Ё эринг билан...

- Йўқ-йўқ, Ҳасан акам мени жуда ҳурмат қилади. Фақат, овсиним кун бермаяпти. Нуқул ерга уриб, устимдан кулади. Сепи билан мақтанади, кийим-кечагини кўз-кўзлайди. Мени унга мақтанадиган ҳеч нарсам йўқ... Кетаман!

Ойиси бир зумга жим, қизига термулиб турди-да, сўнг бошини сарак-сарак қилиб гап бошлади:

- Мен сенга шунақа тарбия берганмидим, қизим? Мол-дунё ҳирсини қаердан юқтирдинг? Беш кунлик дунёнинг латта-путталари, ҳою-ҳаваслари ўткинчи, инсоннинг қалби муҳташам бўлсин, деб уқтирмаганмидим? Наҳотки шу майда-чуйда гаплар, ясан-тусандан бошқа ҳеч нарса, ҳатто битта овқатни ўхшатиб пишириш қўлидан келмайдиган овсинингдан устун бўлолмасанг? Эринг кафтида тутсаю, битта овсинни деб "кетаман" десанг-а. Бу гапни қайта эшитмай. Гулдек ҳунаринг бор, яхши хонадонга тушдинг, энди буёғига бахтингни барпо қилиш ўз қўлингда, болам. Ёмонга яхши бўл, шунда енгасан.

Дилнурага ёлғиз қўлликда ўстирган ойижонисининг бу гаплари малҳамдек таъсир қилди. Яна аввалгидек индамай ишини қилиб юраверди. Меҳр бериб тиккан дўппи, қийиқлари билан бутун Учтеракка танилди, рўзғорга ҳам барака келди. Сабри, чидами учун кўп ўтмай яратганнинг марҳаматига эришди: кулча юзларида ўзига ярашган доғлар пайдо бўлди...

...Фаранг атир-упаларга тўлиб-тошган жавон кўзгусига қарама-қарши ўтириб, лекин нигоҳи деразадан олис-олисларга қадалган Сабоҳат ҳозир айнан шу тўғрида ўйларди. Дилнура юкли бўлдию, бирдан мартабаси ошиб кетди. Қайнонаси ҳам "лик" этиб, ўша томонга ўтиб олди. Қайнотаси, қайноғаси Ҳасаннинг папалашлари-чи! Ой чиқсаям Дилнурага, кун чиқсаям Дилнурага. Буёқда эри ҳам ғашини келтириб, ундаги ҳар бир ўзгаришни кузатиб, интиқлик билан ниманидир кута бошлади. Ниманидир... Бу сафар ҳам Сабоҳат бўш келмади. Атайлаб Дилнуранинг олдида: "Гулдек давримда туғволиб, болага ўралашиб ҳазон бўлишни истамайман, замонавий аёллар бундай қилишмайди", деб қош чимирди. Бу "ғоя" ни эри, қайин оиласига ҳам сингдирмоқчи бўлди. Лекин шу ерда хато қилганди. У тушган оила "замонавий" андозаларга риоя қилмас, ундан ҳамма ўша "ўзгариш" ни кутарди.

Шу пайтдан эътиборан Дилнурани янаям ҳаётдан безитиш учун қўлидан келганини қилди, ҳатто фитна қилиб эри билан уриштириб қўймоқчи бўлди. Лекин кучи етмади, чунки Дилнура энди кўпчилик тарафда эди. Сабоҳатнинг энг катта ишонган тоғи-қайнонаси ҳам меҳнаткаш, беозор келинини кўпроқ суядиган бўлди. Вақт- соати етиб, Дилнура ширин бир қизалоқли бўлди. Сабоҳат ич-ичида "балки ўғил бўлмаганидан ранжишар:" деган илинжда, дилхираликка ишора кутди. Лекин қизалоқни еру-кўкка ишонмай катта қилдилар. Сабоҳат ўша-ўша, Дилнура ҳам ўша-ўша орадан тўрт йил ўтиб, Дилнура яна фарзандли бўлди – иккита ўғил эгизак! Эри бир оғиз таъна қилганда, ёки овсини тенг олишгандаям майлийди, би-ир ҳовурдан чиқиб уришиб, уйни ташлаб чиқиб кетарди. Лекин унга қарши бир оғиз гап бўлгани йўқ. Бу жимжитлик юрагини кемиряпти. Уй олиб кўчиб кетайлик ҳам деёлмайди: ҳайҳотдек иккита ҳовлини қўшиб, иморатни тўлдириб солишган. Қайнонасининг айтишича, ҳатто Дилнура уни аяб, ўртада шунча йил бола кўрмай юрганмиш...



Эҳ, Дилнура, мунча яхши бўлмасанг! Ҳа, овсини чинданам яхши аёл, лекин буни шу бугун, паймонаси тўлганиданми, ҳасаддан чарчаганиданми эндигина тан оляпти. Лекин уни барибир ёмон кўради! Биринчи учратганида ундан анча паст турадиган овсини ҳозир шу қадар юксалиб кетди-ки!

Чарчади, ҳаммасидан чарчади. Кетиши керак, бугуноқ! Лекин.:. Нега энди эртароқ, ҳеч бўлмаса кеча кета қолмади-я!

Айни шу пайт дарвоза томонидан ғала – ғовур эшитилиб қолди. Деразадан шошиб қаради. Келишди! Юраги қинидан чиққудек ура бошлади. Ана, улгурмади, кеч қолди, энди шу қийноқларга маҳкум! У ёқдан- бу ёққа бетоқат юраркан, беихтиёр яна ойна ёнига борди. Бу нимаси? Ҳасан чақалоқларнинг бирини кўтариб қизини эргаштирганча ичкарига кириб борар, иккинчи болани кўтарган Дилнура ва қайнонаси тўғри унинг уйи томон келишарди. Нима қилишмоқчи, бу қандай жазо? Шундоғам ер ёрилиб, ерга кириб кетгиси келяптию, булар бахтини кўз-кўзлагани бостириб келишяптими? Сабоҳат шу тобда чиндан ҳам олтин қафасдаги ожиз қушчага ўхшар, ўзини тўрт томон уриб қанотларини аямай синдирар эди.

Эшик очилганда бир қалқиб тушди. Титроғини аранг босиб омонлашди, ўтиришгач, қайнонаси узоқ дуо қилди. "Шу келинимнинг ҳам бағри тўлсин"... О, бу лаҳзаларнинг азоби унинг қалбига тиғдек санчилар эди!

- Қизим, биз катта оиламиз, ғам-ташвишимиз, қувонч-бахтимиз ҳам ўртада. Ҳасан-Ҳусанларим бир тану-жондек. Сизлар ҳам опа-сингилдан зиёда бўлишингиз керак.

Сабоҳат қайнонасининг бу таҳлит гап бошлаганига таажжубландию, нимагадир юраги орқага тортди. Нима демоқчи, шундай қаро кунда насиҳат қилмоқчими? Худди бояги хаёлларини ҳамма уқиб олгандек, ёноқлари ловуллаб кетди.

- Хуллас, Сабоҳатхон, овсинингиз билан қайноғангиз маслаҳатлашиб, эгизакларнинг биттасини сизларга беришга аҳд қилишибди. Шу бола сизники, унга онасиз энди.

Сабоҳатнинг юраги тўхтаб қолгандек бўлди. Қайнонаси яна анча гапларни айтди, кимларнидир алқади, қайта-қайта дуо қилди. Лекин Сабоҳатнинг қулоғига бошқа гап кирмади. "Унга онасиз энди. Онасиз, онасиз..." Шу сўзларгина такрор жаранг берарди шуурида. Наҳотки? Шундай ҳам бўладими?

- Олинг болангизни. Биринчи куниёқ кўнглимни узганман, бизга биттаси етади.

Дилнуранинг самимий кўзларига, сўнг чақалоқнинг кафтдек юзига нигоҳ ташлади. Илоҳий бир туйғу болани қўлига олишга, бағрига босишга ундади. Лекин қарахт эди. Шу пайт Дилнура ўрнидан даст туриб келди-да, чақалоқни қўлига тутқазди. Сабоҳат димоғига урилган ажиб ҳаётбахш ифордан жону – жаҳони яйраб, етмиш икки томирида ширин энтикиш жўш урди. Боши бахтдан гир айланар, кўзларидан йиллаб тўпланган аччиқ ёшлари шашқатор қуйилар, бу жалалар кўнглидаги ғуборларни ювиб-ювиб оқарди.

**Гулчеҳра АСРОНОВА**
**Фарғона**

# ДИЙДОР

**Қатра**

Ибодат хола бу йил кексаликни тан олдими, анча дардмандлиги сезилиб қолди. Издиҳомлардан бўшамайдиган аёл уйдан чиқолмайди. Сал йўл юрса, нафаси тиқилади.

Бу дард қаерданам илашди, ўзи ҳам билмайди. Бўлмаса, фарзандларининг йўлига қарамай, бир-бир ўзи бориб кўриб келарди. Энди эса кўзи кўчада. Ҳар тугул кенжаси Зарифа ишга кетаётиб ҳам бирров кириб ўтади. Ака-опаларининг хабарини етказиб туради. Шунда ҳам онаизорнинг кўнгли тинчимайди. Ҳар гулнинг ҳиди ҳар хил деганидай, болалари бўйини кўрсам, ҳидини туйсам дейди.

Эрта тонгда намозга турган момонинг кўзи сайраётган ҳаккага тушди-ю, чеҳраси ёришди. "Яхшиликка сўзлагин", деб қўйди ичида.

Нонуштадан сўнг тасбеҳ ўгириб ўтирганда эса бирин-кетин фарзандлари "байрамингиз билан", дея кириб келишди. Онаизор яйраб кетди. Болаларидан айланиб-ўргилди. Набираларини қучди. Шу кунларга етказганига шукроналар айтди.

- Байрамларинг кўпайсин-да, ишқилиб, болам, - деди бир-бир фарзандларининг юз-кўзларига мамнун термулиб.

Кечгача болалари билан дийдорлашган онанинг руҳи анча енгиллашди. Ўзини бардам сезди.

**ЗУМРАДХОН.**
**Андижон вилояти.**

# ТУЗнинг фойдали хусусиятлари



**Мутахассислар тузнинг инсон саломатлигига фойдаси ва зарари ҳақида зўр бериб баҳслашаётган бир пайтда сиз билан биз уни овқатга ишлатишни, намакобли ванналар қабул қилишни, соғломлаштирувчи тузли лампалар ва ғорлардан фойдаланишни канда қилаётганимиз йўқ. Ростдан ҳам туз шунчалар фойдалими? У соғлиқ учун зарарга айланиб кетмаслиги учун қандай қоидаларга риоя этиш лозим?**

## ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ КЕРАКМИ?



**"Туз истеъмол қилиш керакми ёки йўқ, овқатга қандай тузни ишлатган фойдалироқ?"-деган савол атрофидаги баҳслар яқин орада ўз ечимини топмаса керак. Айрим кишилар аллақачонлар тузсиз таомлар тановвул қилишга ўтиб олишган ва соғлиқларидан ҳамда ҳаётдан мамнун эканликларини изҳор этишмоқда. Бошқалар эса овқатни тузсиз умуман тасаввур эта олишмайди. Ҳақиқат эса одатдагидек олтин ўрталикда бўлиб, соғлиғи тўғрисида қайғурадиган киши ана шу ўрталикдан чиқиб кетмаслиги лозим.**

➔ Бугунги ёшлар суйиб истеъмол қиладиган қовурилган картошка (чипси) ва ёнғоқлар, кетчуп кабилар ўта шўрлиги, таркибида туз кўплиги билан ажралиб туради. Шу боис гипертония (артерияда қон босимининг ошиб кетиши) касаллиги йилдан йилга ёшариб бораётганидан ажабланмаса ҳам бўлади. Тананинг физиологик эҳтиёжидан кўпроқ натрий хлор, яъни туз истеъмол қилинганда организмдаги барча тўқималар, хужайралар, аъзолар ва тизимларнинг тузилиши ўзгара бошлайди, хужайраларда ортиқча суюқлик тўпланади, буйрак ва юрак қон-томир тизимига босим ортиб кетади. Бундан чиқадиган хулоса шуки: гипертоник касалликлар, буйрак ва юрак етишмовчилиги, шишлар, ошқозон яраси, қандли диабет ва бод касалликлари бор кишилар овқатга туз қўшишни энг кам миқдорга туширганлари ёки ундан мутлақо воз кечганлари маъқул.

➔ 3 ёшгача бўлган болалар бир кунда кўпи билан 2 грамм, 4-6 ёшлилар эса 3 грамм, 7-10 ёшли ўғил-қизларимиз 5 грамм туз истеъмол қилишлари тавсия этилади. Эмизикли болаларга бериладиган қўшимча озуқаларга эса туз қўшиш умуман мумкин эмас. Бу даврда бола учун энг маъқул ва энг яхши озуқа кўкрак сути бўлиб, она ўзи истеъмол қилаётган туз миқдорини ҳам имкон қадар чеклаши зарур.

➔ Шу билан бир вақтда тузсиз овқатлар тановвул қилиш зарар келтирадиган касаллик турлари ҳам мавжудлигини айтиб ўтмасак бўлмас. Биринчи галда бундай касалликлар сирасига қон босимининг пастлиги ва астения (жисмоний ва руҳий заифлик, дармонсизлик-)ни киритиш мумкин. Ошқозонда кислота миқдорининг камайиб кетиши, сафро ажралишининг етарли даражада бўлмаслиги, сурункали қон ва суюқлик йўқотишлар ҳам тузли овқатлар истеъмол қилишга, хатто туздан қўшимча даво воситаси сифатида фойдаланишга тўғридан тўғри кўрсатма бўла олади.

➔ Кундалик истеъмол учун энг маъқули ва фойдалиси йирик туз бўлиб, мутахассислар "Экстра" тузларини тавсия этишмайди. Чунки кукундай қилиб майдаланган, оппоқ, қўшимчалардан тозаланган ва оқланган туз соғлиқ учун фойдадан кўра кўпроқ зарар етказиши мумкин. Чунки ишлов бериш жараёнида у ўз таркибидаги барча фойдали қўшимча ва воситаларни йўқотади. Тўғри, у оддий йирик тузга нисбатан уч карра шўрроқ бўлади, аммо бундай туз билан овқатнинг тузини меъёридан ошириб юбориш ҳеч гап эмас.

➔ Бир литр суюқликка 3,5 граммдан ортиқ туз солинганда у барибир эримаслигини ва чўкинди ҳосил қилишини унутманг. Яна бир гап, суюқ таомларга тузни улар пишишига яқин солган маъқул. Чунки туз олдинроқ солинганда ҳақиқий таъмни аниқлаш мушкул бўлади, овқат пишиши арафасида сувнинг бир қисми буғланиб кетади, тузнинг аксарият қисми эса картошка, сабзи, гўшт ва бошқа масаллиқларга сингади. Оқибатда сиз таомнинг сувидан татиб кўриб, тузи кам бўлибди, деган нотўғри хулосага келиб қолишингиз мумкин.

➔ Агар шифокорлар сизга туз истеъмол қилишни таъқиқлашмаган бўлса, астения ва доимий чарчоқ ҳолатларида бир неча кун давомида овқатлангандан сўнг ярим соат ўтгач, бир чимдим йирик тузни тилингиз тагига ташлаб, тўлиқ эригунча шимиб туринг. Туз batamom эриб битгач, уни оғзингизда йиғилган сўлак билан бир ютишда ичиб юборинг. Устидан ҳеч нарса ичмаслик ва емаслик керак. Бу нарса моддалар алмашинуви жараёнларини ва асаб тизими бўйлаб тарқалувчи сигналларнинг ўтказувчанлигини тезлаштиради.

## ТУЗЛИ ҒОРДА ДАВОЛАНИШ

**Бугунги кунда кўплаб шифохоналар ва даволаш-соғломлаштириш муассасалари беморларга касалликларни даволаш ва соғлиқни тиклаш учун галотерапия — тузли ғорда даволаниш услубини тавсия этишмоқда. Бу услубда асосий восита бўлиб, табиийки оддий туз хизмат қилади.**

Шифокорлар бундай усулни асосан бронхиал астма, тез-тез шамоллаш, сурункали ларингит ва ангина, артериал қон босимининг юқорилиги, юрак қон-томир касалликлари, шунингдек чарчоқ ва асабий зўриқиш ҳолатларида қўллашади. Бундан 2,5 минг йил аввал қадимги юнон табиблари мазкур услубни кенг қўллашган. Фақат уларнинг ғорлари бугунги шифохоналардаги каби сунъий усулда яратилмаган, балки табиий бўлган. Бу усулнинг ҳозирги кунда кенг урф бўлишига эса туз конларида ишлайдиганлар орасида нафас йўллари касалликлари билан оғриган беморлар деярли учрамаслиги аниқлангани сабаб бўлди. Шифокорларни бу нарса қизиқтириб қолди ва узоқ тадқиқотлардан сўнг тузли камераларда даволаш услуби юзага келди.

Бемор деворлари туз билан қопланган галокамерага киради, ўриндиққа яхшилаб жойлашиб олиб, ўзини бўш қўяди. Аксарият ҳолларда ёқимли мусиқа янграб туради, камерада тинчлантирувчи ва бўшаштирувчи ним қоронғу чироқ ёқиб қўйилади. Шундан сўнг асосий муолажа бошланади. Махсус ингаляторда натрий, мангий ва калий тузлари (бундай тузлар илмий тилда силвинитлар деб аталади) кукундай қилиб майдалаб олинади. Кейин мана шу майдаланган туз бир меъёрдаги тўлқинлар тарзида камерага юборилади. Тузнинг майда бўлакчалари бронх ва ўпка тизимининг энг чекка бурчакларига ҳам етиб боради ва уларни тозалаб, яллиғланишни камайтиради. Галокамерадаги ҳаво манфий ионлар билан тўйинган бўлиб, бу нарса уни аллергия қўзғовчилар ва микробларни йўқотиш нуқтаи назаридан стериллаш воситасига айлантиради. Шу билан бирга унинг таркибида инсон учун фойдали микроэлементлар сероб бўлади.

Камерадаги атмосфера худди табиий ғордагига ўхшайди, фақат бу ерда шароит ва қулайликлар яхшироқ ва кўпроқ. Муолажа натижасида (тузли ғорнинг ва касалликнинг туридан келиб чиқиб шифокор беморга камерада 15 дақиқадан 1 соатгача бўлишни тавсия этиши мумкин) инсон бўшашади ва тинчланади, тўлиқ руҳий енгилликни ҳис этади, камерадан руҳий зўриқиш ва чарчоқни унутган ҳолда янги куч ва ғайрат билан чиқиб келади. Агар авваллари тузли ғорларда фақатгина бронхиал астма билан оғриган ва тез-тез шамоллашга мойил бўлган беморларни даволашган бўлишса, кейинчалик шифокорлар юрак қон-томир, гипертония ва асаб касалликлари безовта қиладиган беморларнинг ҳам умумий ҳолати яхшиланиб бораётганини сезиб қолишди. Табиийки, галотерапиянинг тўлиқ муолажаси қанчалик самара бергани шифокорлар текширувидан сўнггина маълум бўлади. Аммо аксарият ҳолларда беморларда соғлиқнинг яхшиланиши кузатилиши ҳам аллақачон исботланган ҳақиқат.

Тамаки маҳсулотларига ружу қўйган, иш фаолияти соғлиқ учун зарарли бўлган ишлаб чиқаришлардан иборат, компьютерда кўп ишлайдиган кишилар учун галокамерада тузли муолажа олиш жуда фойдалидир. Бу усул тери касалликлари, хусусан, нейродермит ва аллергик дерматитда ҳам ёрдам беради. Шифокор беморни тўлиқ текшириб кўргач, муолажа даврийлигини ва муддатларини белгилайди (одатда у 14-18 сеансдан иборат бўлади). Тузли ғордаги муолажани касаллик турига ва беморнинг умумий ҳолатига қараб 6 ой ёки 1 йилдан сўнг такрорлаш мумкин.

# ТУЗЛИ ДОРИ ҚУТИСИ

**Тузни даво мақсадларида қўллаш усуллари шу қадар турли-туман ва хилма хилки, улар орасидан энг яхшиларини ажратиб кўрсатиш анча мушкул иш. Чунки туз яллиғланишга қарши ва дезинфекциялаш хусусиятига эга, ёшартиради, тери ва бўғимлар, тумов касалликларига қарши, лат еган жойлар учун энг яхши муолажа воситаларидан бири ҳисобланади, хатто руҳий сиқилиш ва зиқликни енгиллаштиради. Фақат ягона шарти - муолажа учун йирик туздан фойдаланиш керак.**

➔ Танангизнинг бирор жойи лат еганда матодан тикилган халтачага туз солиб, 10 дақиқа музлаткичнинг музхонасида тутиб туринг, сўнг жароҳатланган жойга босинг. Совуқ туз билан муолажа қилишнинг яна бир усули – 1 чой қошиқ тузни музлаткичнинг музхонасидан олинган ярим стакан қор билан аралаштириб лат еган жойга қўйиб 4 дақиқа ушлаб туриш керак. Агар сизни артроз безовта қилса ва совуқда яллиғланиш сусайганини ҳис қилсангиз, юқоридаги муолажани бемалол қўллашингиз мумкин.

➔ Руҳий зўриқиш ва астения (жисмоний ва руҳий дармонсизлик)да 2 чой қошиқ тузни 1 литр сувда эритиб, эрталаблари мана шу эритмада сочиқни ҳўллаб баданингизни артиб туринг. Шунингдек, душга тушишдан ёки ванна қабул қилишдан олдин бутун танангизга, жумладан бош ва юзга ҳам, йирик туз суртиб чиқинг. Шу ҳолатда имкон қадар кўпроқ вақт ўтиргач, илиқ сувда ювиб ташланг. Бу муолажа терини тозалайди ва тананинг қувватини оширади. Дастлабки муолажалар пайтида баданингиз ачишса ҳам чидашга ҳаракат қилинг, 3-4 мартадан кейин теридаги барча майда ёриқлар битиб кетади. Туз туфайли тери янада ёшариб, таранглашади.

➔ Бош терисининг қуруқ экзема (чилла яра)сида ва сочнинг муддатидан олдин тўкилишида ҳар ҳафтада камида бир марта бош терисига 15 дақиқа мобайнида чимдимлаб ош тузи суртиб туриш лозим.

➔ Туз ички йирингларда ҳам яхши самара беради. Мабодо бармоғингиз йиринг боғлаган бўлса, уни бир неча марта намакобда ушлаб туринг. Натижада йиринг ёки сўрилиб кетади ёки яра очилади.

➔ Тумовнинг илк аломатлари пайдо бўлиши билан жун пайпоқни тузга беланг ва кийиб олинг. Сўнгра товада қиздирилган тузни матодан тикилган халтачага солиб, пайпоқ устидан оёққа босинг. Устингизни кўрпа билан ўраб яхшилаб терлагунингизча ётинг.

➔ Ангина ёки бронхит чўзилиб кетса, уларни намакоблихантал(горчица)ли ванналар билан даволаш мумкин. Бунинг учун бир килограмм тузни 2 ош қошиқ хантал билан аралаштириб, товада 60 даражага етгунча қиздириш лозим. Кейин аралашма тоғорага тўкилади. Оёққа пахталик юпқа пайпоқ кийиб, тузга ботириб ўтиринг. Оёқни доривор аралашмали тоғорада токи туз совугунча ушлаб туриш керак. Ушбу муолажа кунига камида 4 марта бажарилса, яхши самара беради.

# СЕҲРЛИ ЧИРОҚЛАР

**Кўпчилик ҳавони ионлаштирувчи мосламалар ҳақида эшитган. Чунки уйда ҳам, ишхоналарда ҳам хоналар турли-туман техника воситалари билан тўлиб бораяпти. Оқибатда уларнинг ҳавоси инсон саломатлиги учун зарарли бўлган мусбат ионлар билан тўлиб-тошмоқда. Ҳавони ионлаштирувчи воситалар харид қилишни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтармайди, арзонроқларининг эса сифатига шубҳа бор. Мана шундай сунъий йўл билан яратилган ионлаштиргичлар ва ҳаво тозалагичлар ўрнини уй-рўзғор жиҳозлари сотиладиган дўконлардан топиш мумкин бўлган оддий тузли чироқлар босиши мумкин.**



Бундай чироқнинг ўзига хослиги шундаки, уларда электр лампочкаси плафони(устки шиша қопламаси) ўрнига табиий туз бўлаги ишлатилади. Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашларича, бундай чироқлар учун туз Покистон ҳудудида Химолай тоғларида тахминан 800 метр чуқурликдаги махсус конларда қазиб олинар экан. Яна бир муҳим томони плафон ишлаб чиқариш жараёнида туз майдаланмайди, натижада у ўзининг табиий хусусиятлари ва таркибини сақлаб қолади. Бу эса шундай чироқ ўрнатилган хонага ва унда яшовчиларга ижобий таъсир кўрсатади. Мунтазам равишда ишлатилганида тузли чироқ одамнинг ҳаётий тонусини ошириш ва иммунитетини мустаҳкамлаш, асаб тизими фаолиятини уйғунлаштириш хусусиятига ҳам эга. Бундан ташқари, хитойликларнинг хоналарда уйғунликни таъминлаш таълимоти – фэн-шуй ихлосмандларининг қайд этишларича, туз кристаллари хонадаги энергетикани тозалашда тоғ биллури кристалларидан кам қувватга эга эмас экан. Тузли чироқларни уйдаги сиз камдан кам ҳолларда кириб турадиган хоналарда, жавонларда, шунингдек тумов бўлган ва аллергия безовта қиладиган беморлар бор хоналарда ёқиб қўйишнинг фойдаси катта. Касаллик қўзғатувчи бактериялар мавжуд бўлган ҳудудларга жойлаштирилган тузли чироқлар мазкур бактерияларга маълум даражада қирғин келтириши мумкин.

Яна бир қулай томони шундаки, тузли чироқни истаганча ёқиғлиқ қолдириш мумкин. Бундан унинг шифобахшлик хусусиятлари сусаймайди. Бундан ташқари, аксарият техник йўл билан яратилган ионлаштиргичлар ёқиб қўйилган пайтда хонага кириш мумкин бўлмаса, тузли чироқ ёниб турган хонада бемалол исталганча ўтириш мумкин. Чунки унинг ионлаштирувчи самараси анчагина мўътадил бўлиб, соғлиққа зарар етказмайди, аксинча жуда фойдалидир. Энг асосий қоида: чироқни хўлламаслик, сув солинган йирик идишлар ёнига қўймаслик шарт. Зеро, туз ҳатто ҳаводан ҳам намни сўриб олиш хусусиятига эга. Мабодо чироқ намланиб қолганини сезсангиз, уни узоқроқ вақт ёқиб қўйинг.

Энг ёқимли жиҳати, тузли чироқнинг мўътадил ёруғи инсон соғлиғи ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. Одатда, тузли чироқлар оловранг, оч жигар ранг ва сариқ рангли кўринишларда бўлиб, улар ижобий рангли терапия хусусиятига ҳам эгадир. Масалан, жигар ранглиси фикрни асосий нарсага жамлашга ёрдам берса, оловранглиси кайфиятни кўтаради, иштаҳани очади ва ҳимояланганлик ҳиссини уйғотади, сариқ рангли тузли чироқ бўлса, сафро ажралишини, овқат хазм бўлиш тизими ва жигар фаолиятини меъёрлаштиради. Агар сиз оқ рангли тузли чироқ сотиб олсангиз, у хонадаги энергетика ва ҳавони тозалашда энг кучли восита бўлиб хизмат қилади.

# ДЕНГИЗ ТУЗИНИНГ ФОЙДАЛАРИ

**Денгиз тузи ўз таркибига денгиз сувида мавжуд бўлган ўнлаб фойдали микроэлементларни жамлаган бўлади. Айрим касалликларда денгиз тузи ош тузига нисбатан самаралироқ таъсир кўрсатади. Аммо бундай пайтда ишончли ишлаб чиқарувчилар маҳсулотидан фойдаланиш зарур, чунки замонавий экологиянинг ҳолати денгиз тузи сифатига ҳам таъсир этишини ёддан чиқармаслик лозим. Муолажа мақсадларида фойдаланганингизда ҳеч қачон денгиз тузини 60 даражадан ортиқ қиздирманг, у эритилган сувни қайнатманг, боиси бундай қилинганда у ўзининг шифобахш хусусиятларини йўқотади. Бошқа нарсаларнинг ҳидлари ўтириб қолмаслиги ҳамда таркибидаги шифобахш моддаларни йўқотмаслиги учун денгиз тузини оғзи маҳкамлаб ёпиладиган идишда сақлаш зарур.**



**- Тумов ва йўталда,** шунингдек ангина ёки ларингит пайтида бир килограмм денгиз тузини товада қиздиринг. Шундан сўнг сизнинг касалингизни даволашда қўллаш мумкин бўлган бирорта доривор гиёҳдан олиб, уни қўлингиз билан эзғилаб кукун ҳолига келгунча майдаланг. Гиёҳни идишга солиб, унга қайноқ туз сепинг ва энгашиб гиёҳлардан таралаётган эфир мойларини ҳидланг. Йўтал ва бронхитда гиёҳ ўрнига қарағай қулмоқлари ёки арпабодиён уруғидан, ангина ва ларингитда эса маврак (шалфей) ёки тошчўп (чабрец)дан фойдаланиш яхши фойда беради.

**- Оёқларда замбуруғ пайдо бўлганда** 1 чой қошиқ денгиз тузини бир стакан илиқ сувда эритиб, мана шу эритма билан оёқни ювиш керак. Бу муолажани кунига икки маҳал – эрталаб ва кечқурун бажариш лозим. Тузли сувда ювгандан сўнг оёқни тоза сувда чайиб ташлаб, юмшоқ сочиқ билан артиш зарур. Аммо ишқалаб арта кўрманг, фақат сочиқни босиб-босиб намини шимдириб олсангиз кифоя. Худди ўша эритмада пахтани намлаб зарарланган ерга босинг. Пахтани терида токи у қуриб қолгунча ушлаб туриш керак. Мабодо, қаттиқ ачиштирса, муолажани чидамингиз етгунча давом эттиринг. Шундан сўнг оёғингизни яна чайиб ташланг. Аммо бу сафар ош содаси эритилган (содали) сувдан фойдаланинг. Сўнгра оёғингизни қуруқлаб артинг. Муолажанинг давомийлиги 10 кун.

**- Экзема (чилла яра)да** денгиз тузини ховончада кукун ҳолига келгунча майдалаб олинг. Сўнг уни тенг миқдордаги майдаланган қуруқ қизилмия (солодка) билан аралаштирасиз. Кечқурунлари мазкур аралашмани яра чиққан жойларга сепиб, дока (бинт) билан у қадар сиқмасдан боғлаб қўйинг. Бир соатдан сўнг уни ечиб олиб, ярани ювиб ташланг. Муолажани кунига бир мартадан уч кун мобайнида олинг. Шундан кейин уч кун танаффус қилиб, худди шу тарзда яна уч кун такрорланг.

**- Зўриқиш, асабийлик ва чарчоқни олиш,** ҳамда терини кўплаб фойдали моддалар билан тўйинтириш учун ҳафтасига бир марта денгиз тузи эритмасида енгил уқалаш муолажасини бажаринг. Эритма тайёрлаш учун сирланган ёки чинни идишга 1,5 литр қайнатилган ва илиқ ҳолга келган сув солиб, унда бир чой қошиқ денгиз тузини эритиб олинг. Қўлларингизни яхшилаб ювиб, уларни эритмага ботириб олинг. Нам қўлларингиз билан аввалига навбатма навбат қўлларингизни уқаланг (бунда баданнни ишқалаш шарт эмас, балки енгил уқаласангиз кифоя). Кейинги навбатда бел ва елкаларни қўлингиз етганича, сўнг ёнбошингизни, ундан кейин қоринни соат мили йўналишида уқалайсиз. Шундан сўнг навбат кўкрак қафасининг юқори қисмига келади. Энг охирида думбалар ва оёқларни уқалаб, муолажани якунлайсиз. Қўлингизни қуришига қараб тузли сувда намлаб туринг, шунда танангизнинг ҳамма жойи фойдали моддалардан баҳраманд бўлади. Энг яхшиси қўлни намлагач, у қуригунча тананинг битта қисмини уқалаб турган маъқул. Бутун танангизнинг териси қуригач, муолажани яна бир марта такрорлашингиз мумкин.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# ЎЛКАМИЗДА БАҲОР

**Мана баҳорнинг иккинчи ойи ҳам ўтиб бормоқда. Демак, чирой ва ҳуснга алоҳида эътибор қаратадиган пайт келди. Қуйида намакобли ванналар воситасида целлюлитдан қандай қутиулиш мумкинлиги тўғрисида гаплашамиз.**

Денгиз тузи танадан ортиқча сувларни ҳайдаб чиқариш, терига қон қуйилишини кучайтириш, уни ичидан турли қолдиқлар (шлаклар) ва зарарли моддалардан тозалаш, шунингдек тўйинтириш хусусиятига эга. Денгиз тузидан ванна қабул қилиш жараёнида фойдаланиш моддалар алмашинувини тезлаштиради, тери таранглашади. Аммо денгиз тузидан фойдаланганда юқори самарага эришиш учун айрим нозик жиҳатларни билиб қўйиш лозим.

Ванна қабул қилишдан олдин терини скраб(тери тозаловчи махсус восита) ёки тузли совун ёрдамида яхшилаб тозалаб олиш зарур. Бунинг учун скраб ёхуд тузли совун топишнинг иложи бўлмаса, оддий ош тузидан фойдаланиш мумкин. Шундан сўнг ваннани сувга тўлдириб, унда 100 граммдан 1 килограммгача миқдорда денгиз тузини эритиб оласиз. Одатда шифобахш муолажа мақсадларида ванна қабул қилинганда туз кўпроқ миқдорда, яъни 1 килограмм атрофида эритилади. Профилактика учун эса 100-300 грамм туз етарли ҳисобланади. Ваннадаги сувнинг ҳарорати 35-39 даража атрофида бўлиб, 10-20 дақиқа мобайнида унга тушиб ётиш керак. Икки кунда бир марта ёки ҳафтасига икки мартадан жами 10-15 та муолажа олиш лозим. Целлюлитда илиқ ванналар яхшироқ самара беради, аммо бундай ванна қабул қилиш учун юрак соғлом бўлиши шарт. Чунки денгиз тузи ва илиқ сув аралашмаси танадаги барча жараёнларни кучли даражада фаоллаштириб юборади.

Ванна қабул қилиб бўлгач, илиқ сувда чайиниб ташланг ва иссиқ халат кийиб, ярим соат ёки ундан кўпроқ вақт ётиб дам олинг.

Целлюлитга қарши муолажа самарасини янада кучайтириш учун ўзингизга апельсин, грейфрут ёки лимоннинг эфир мойи билан тўйинтирилган туз тайёрлаб олинг. Бунинг учун қорайтирилган шишадан ясалган шиша идишга денгиз тузи ёки оддий йирик ош тузидан тўлдириб солиб, устига юқорида айтиб ўтилган мойлардан биридан 5 томчи томизасиз ва қопқоғини маҳкамлаб ёпиб қўясиз. Энг асосийси, эфир мойининг миқдорини ошириб юбормаслик керак, йўқса тери куйиши рўй бериши мумкин. Терингиз нозик ва таъсирчан бўлса, эфир мойларидан фойдаланмаганингиз маъқул. Бундай тўйинтирилган тузни ҳам худди оддий денгиз тузи сингари усулларда муолажа учун ишлатасиз.




**860** **Ёшим 42 да.** Асли қашқадарёликман. Тошкент шаҳридаги институтлардан бирида ўқиб, ҳозир ўз мутахассислигим бўйича ишлаяпман. Ҳали уйланмаганман. Топиш-тутишим яхши. Уй-жойим бор. Тошкент ёки Қарши шаҳрида яшайдиган, ақлли, одобли 42 ёшгача бўлган, турмушга чиқмаган қиз бўлса уйланиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Махманазар**

**861** **Ёшим 36 да.** Асли тошкентликман. Жиддий сабаб билан ажрашганман. Ишлайман. Бир қизчам бор. Озодалик ва саришталикни ёқтирадиган аёлман. Ота-онам билан яшайман. 40 ёшгача бўлган, уй-жойли, оилани моддий таъминлай оладиган, тошкентлик эркак билан танишиб оила қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилафрўз**

**862** **Ёшим 33 да.** Вилоятлик бўлсам ҳам ҳозир Тошкент шаҳрида яшаб, ишлайман. Ажрашганман, қаерлик бўлишидан қатъий назар, уйим-жойим дейдиган, соф виждонли, сабру тоқатли, вафодор, турмуш ўртоғини ҳурмат қиладиган, 25-33 ёшгача бўлган аёл билан оила қуриб, яшашни истайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Ихтиёр**

**863** Асли тошкентликмиз. Ўғлимнинг **ёши 25 да.** Баланд бўйли, келишган, олий маълумотли, нуфузли ташкилотда ишлайди. 24 ёшгача бўлган, олий маълумотли, яхши оиланинг фарзанди бўлган, (иложи бўлса шифокор), ёки институтнинг охирги курсида ўқийдиган, ақлли, одобли, саранжом-саришта, тошкентлик қизни келин қилмоқчиммиз.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Феруза**

**864** Қизимнинг **ёши 40 да.** Асли тошкентликмиз. Тақдирида бор экан ажрашиб кетишди. Унинг маълумоти олий. Кўркам, жиддий, орасталикни ёқтиради. Ўзининг алоҳида уй-жойи бор. Фарзанди йўқ. 50 ёшгача бўлган, давлат ишида ишлайдиган, меҳрибон ва диёнатли бир эркак бўлса куёв қилган бўлардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Муҳаббат опа**

**865** **Ёшим 58 да.** Бухоро шаҳридан келдим. Турмуш ўртоғим қазо қилган. Маълумотим олий. Нуфузли ташкилотлардан бирида ишлайман. Ҳали бақувват ва кўркам эркакман. 40-45 ёшгача бўлган, келишган, ёлғиз ёки ажрашган аёлга уйланиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Жамолиддин ака**

**866** **Ёшим 29 да.** Асли тошкентликман. Ишлайман. Жиддий ва хушрўй қизман. Хонадондаги шинамлик, орасталик ва файзу тароватни ёқтираман. Тошкент шаҳрида яшайдиган, ақлли, уйим-жойим дейдиган, 35 ёшгача бўлган эркак билан танишиб оила қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Наргис**

**867** **Ёшим 50 да.** Ажрашганман. Тошкент вилоятида яшайман. Ишлайман. Моддий таъминланганман.Уй-жойим йўқ. 35 ёшгача бўлган, Тошкент вилоятида ўзининг уй-жойи бўлган, оқила, оғир-вазмин аёл бўлса уйланиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Атҳам ака**

**868** Асли тошкентликман. **Ёшим 30 да.** Ҳали турмушга чиқмаганман. Ишлайман. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Олий маълумотлиман. Қаерлик бўлишининг фарқи йўқ, ишлайдиган, ўзининг уй-жойи бор, олий маълумотли, ажрашган бўлса ҳам фарзандлари йўқ, жиддий йигит билан турмуш қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Севар**

**869** **Ёшим 35 да.** Тошкентликман. Тақдир экан, жиддий сабаб билан оилам бузилди. Маълумотим олий. Келишган, жиддий йигитман. Баобрў оиланинг фарзандиман. Тошкент шаҳрида ота-онаси билан яшайдиган, одобли, (олий маълумотли бўлиши шарт эмас), келишган, ота-онамни ҳурматини жойига қўя оладиган қиз билан мустаҳкам оила қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Шоҳжаҳон**

**Оила бўлими телефони: 233-04-50**

**870** Қизимнинг **ёши 29 да.** Ҳали турмушга чиқмаган. Ишламайди. Уйда чеварлик билан шуғулланади. Ақлли, одобли, зарарли одатлари йўқ. 40-42 ёшгача бўлган, ишлайдиган, оиласини моддий томондан таъминлай оладиган бир эркак бўлса, узатардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Нафиса опа**

**871** **Ёшим 49 да.** Асли сирдарёликман. Ажрашганман. Маълумотим олий. Уй-жойим йўқ. Давлат ишида ишламайман. 50 ёшгача бўлган, қаерлик бўлса ҳам ўзининг уй-жойи бўлган, ажрашган бўлса ҳам бефарзанд ёки ёлғиз аёл билан оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Рустамкул**

**872** **Ёшим 50 да.** Асли тошкентликман. Ажрашганман. Шахсий фирмамда ишлайман. Уй-жойим ва автомашинам бор. Олий маълумотлиман. 30-35 ёшгача бўлган, фарзанд кўрмаган, шифокор касбида ишлайдиган, ақлли, ораста, пазанда аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Муроджон.**

**873** **Ёшим 39 да.** Асли Навоий вилоятиданман. Уй-жойим бор. Ишлайман. Баобрў оиланинг фарзандиман. 35 ёшгача бўлган, Тошкент ёки Навоий шаҳрида яшайдиган, ажрашган, бефарзанд ёки бир қизчаси бор аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Хуршид.**

# ҲАММАНИНГ ОИЛАСИ БЎЛСИН!

**874**

- Исмим Аҳрол ака. Тошкент шаҳрида яшайман. Таҳририятга мени **21 ёшли** ўғлимнинг тақдири бошлаб келди...- дея гап бошлади у маҳзунгина.

**- Ўғлингизга бирор гап бўлганми?**

- Ўғлим туғма гунг, соқов. Лекин баланд бўйли, яхши йигит. Уй-жойдан камчилигимиз йўқ. Фақат бизни ўғлимизнинг тақдири хавотирга солади-да...

**- Уни уйлантирмоқчимисиз?**

- Албатта, нима бўлганда ҳам ўғлимнинг ўзига яраша орзу-ҳаваси ичида қолмасин, деймиз. Ахир туғма камчилик айб эмас-ку! У жисмонан бақувват, ҳамма ишларни бажаради. Мол-ҳол боқишга қизиқади. Худога шукр, уйланса ҳам ўз оиласини боқа олади. Кўп оилаларнинг қизларини кўрдик. Ўзига ўхшаш нуқсонли қизлар кўпу, аммо...Уларни келин қилишни истамаяпмиз...

**- Сабаб?..**

- Гунг қизни келин қилмаётганимизнинг ҳам ўзига яраша сабаби бор. Агар улар фарзанд кўришса, биз-ку, кундузи болани қараб берармиз. Лекин тунда ҳам бола қарай олмаймиз-ку! Келин ҳам, ўғлим ҳам боласининг йиғлаганини эшитмай ухлаб ётишаверса...Бечора гўдакнинг аҳволи не кечади? Шу боис ўғлимга ҳеч бўлмаса дудуқланиб гапирадиган қизни келин қилсак, ҳеч бўлмаса ўз боласини эплаб ўтиради-ку, деган фикрга келдик. Ахир қандай нуқсони бўлмасин у бизга азиз, унинг бахтли бўлиб, тинчиб кетишини жуда ҳам истаймиз...

* * *

**875**

Тошкент шаҳриданмиз. **28 ёшли** синглим бор. Мен-ку, уйланиб, оилам билан тинчиб кетганман. Лекин биз билан яшайдиган синглимнинг тақдири мени кўп ўйлантиради, - дея гап бошлади хонага кириб келган йигит куйиниб.

**- У турмушга чиқмаганми?**

- Йўқ, ўқиш ва иш билан овора бўлиб... Балки мен ҳам вақтида бунга эътибор қилмадиммикан? Ишқилиб вақтини ўтказиб юбордик. Аслида у жуда ақлли, оғир-вазмин, уй ишларига чаққон ва пазанда қиз. Шу синглим келин бўлган хонадонини ҳам гуллатиб юборган бўларди... 34-35 ёшгача бўлган, тошкентлик йигит бўлса куёв қилган бўлардик...

* * *

**876**

**- Ёшим 55 да.** Исмим Мардон. Бухоро шаҳриданман. Аёлим Нафисанинг вафот этганига анча бўлди. Ўғил-қизларимнинг ҳаммаси уй-лик-жойлик бўлиб кетишган. Ўзим ҳали ишлайман, - дея гап бошлади эркак.

**- Оила қурмоқчимисиз?**

- Ҳа, шунга қарор қилдим. Аёлимдан сўнг уйланмайман, деб ўйлагандим. Лекин ёлғиз эркакнинг шўри қурсин. На овқатнинг тайини бор, на яшашнинг тайини қолмас экан. Ҳайҳотдек ҳовли эса ютиб юборай, дейди. 54 ёшгача бўлган ёлғиз ёки фарзандларидан қутулган аёл бўлса, бирга умргузаронлик қилсак, дегандим...

* * *

**877**

- Мен Навоий вилоятидан келдим. **Ёшим 39 да.** Исмим Хуршид. Баобрў оиланинг фарзандиман. Ота-онам нене умидлар билан тўй қилишиб, мени ўзим кўнгил қўйган қизимга уйлантиришганди. Бошқа ака-укаларим бахтли бўлиб кетишган, - ҳаётини сўзлай бошлади у.

**- Ажрашганмисиз?**

- Афсуски шундай бўлди. Мен-ку, тақдирнинг аччиқ зарбасига аста-секин кўника бошладим. Лекин бечора ота-онамга мендан ҳам қийин бўлди. Улар ҳалигача ўз бахтимни топмаганимдан куйинишади. Кўпгина қизларни менга таништирмоқчи бўлишди. Лекин кўнглим алдов ва хиёнатдан шунчалик безиб кетгандики, ҳеч кимга қайрилиб ҳам қарагим келмасди.

**- Энди-чи?**

- Энди эса...Ортимга қарасам анча йилларни бекорга ўтказиб юборибман. Ахир шу пайтгача яхши бир қизга уйланишим. фарзандлар кўришим мумкин эди-ку, деб ўйладим. 35 ёшгача бўлган, оқила. садоқатли бир қиз ёки ёлғиз аёл бўлса ширин бир оила қурсам...

***Азизлар! Ушбу инсонлар ҳам таҳририятга бахт излаб келишган. Ҳамманинг ҳам ўз оилси бўлсин! Агар улар билан танишишни истаганлар бўлса ушбу қаҳрамонларимизнинг манзиллари таҳририятда.***

**БАСИРА**

## «ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

***Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам, ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди. Шунингдек, ажрашганлар суд қарорининг нусхасини тақдим этишлари шарт.***

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 18:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Оила, табриклар, эълонлар: 233-04-50
Бўлимлар: 233-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 332. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13283

Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 6 7 8